

ТУНЖЕР ЖУЖЕН ЎҒЛИ

ҚОР КЎЧКИ
(ҶИЎ)

(2 пардали драма)

**Турк тилидан
Ойбек Вейсал ўғли
таржимаси**

Tuncer Cücenoglu
cucenoglutuncer@gmail.com
tcucenoglu@hotmail.com
www.tuncercucenoglu.com

ФАҚАТ ТАБИЙ ҲОДИСАМИ – ҚОР КЎЧКИСИ?

1987 йили эди. Бир кинокомпанияда ишлардим...
Кунларадан бир кун, мен учун кадрли бўлган дўстим билан гаплашиб қолдик.
Ғароиб бир воқеани менга гапириб берди.

“Шарқий Онадўлининг тўрт томони баланд тоғлар билан ўралган қишлоқда яшайдиган аҳоли баланд овоз билан гаплпаша олмас, ках-каха отолмас, қисқаси хоҳлагадай кўнгилхушлик қила олмаслармиш...

Чунки шовқин-сурон, баланд овозда гапиришлар қор кўчкисига сабаб бўларкан. Бу вазиятнинг муҳим томони шундан иборат эканки, йилнинг тўққиз ойи қор кўчкиси таҳликаси билан яшанар экан. Бу қишлоқ инсонлари йилнинг фақат уч ойида, кўнгилдагидай яшаб баланд овозда гаплаша олар, қуроллардан отабилар, тўй-томоша қила олар ёки чақолоқларни дунёга келтира олар эканмишлар.”

Яъни ҳаётнинг жозибаси, шижоати айнан мана шу уч ойда амалга ошириш мумкин бўларкан. Қолган тўққиз ойда эса... шовқин-суронсиз, кулгисиз, андиша ва кўркув ичидаги ҳаёт.

Мега жуда ҳам таъсир қилган бу ҳолат ҳақида сахна асарини ёзмоқчи бўлдим. Лекин. Бундай ақл бовар қилмас ҳолатни қандай қилиб кўрсатиш, томошабинга етказиш мумкинлиги менб безовта қилди. Бу борадиги томошани зерқарсиз томошабинга етказиш мумкинми? Сахнага бу ғароиб воқеани қай шаклда олиб чиқса мақсадга мувоффиқ бўлади.

Боринки бу воқеани бир табиий ҳолат деб, сахнага олиб чиқишдан нима қозониш мумкин?

Бу ҳолатдан, вазиятдан қанай фойдаланиш мумкин?

Мана шундай ва шунга ўхшаш савлоллар билан сахна асарини яратишга киришдим.

Ва шундай қарорга келдим:

Фақат бир табиий ҳолат эмас – қор кўчкиси...

Балким биз ўзимиз тафаккуримизда яратдик бу кўркувни...

Мувоффақиятлар!

Тунжер ЖУЖЕН ЎҒЛИ

10 февраль 2002 йил. Истамбул.

Муждот Гезенга бағишланади.

ВОҚЕА ЖОЙИ:

(Воқеа атрофи тоғлар билан ўралган қишлоқдаги бир қавватли уй ичида бўлиб ўтади... Деразадан, томдан осилиб турган муз парчалари кўриниб туради... Хона деворида икки милтиқ осилиб турибди... Милтиқлар бир-бирига қарата худди отилишга тайёрдек кўриниб, эстетик маънога эга эди. Чап томонда бир хона... Ўртада катта даҳлиз - меҳмонхона жойлашган... Ўнг томонда яна битта хонанинг эшиги кўриниб турибди. Ташқарига чиқадиган эшик эсаўртада, рўпарада жойлашган... Меҳмонхонада оддий бир печка (камин) бор... Печканинг ёнида ёқиш учун таҳланган ўтинлар... Ерда кигизлар солинган, деворларда эса ихчамгина гиламлар осилган... Хонада яна домбра ва сурнай бор... Улар худди бир кун келиб чолинишларини бир четда кутаётгандай...

Чап томондаги ўзларига ажратилган хонада ЁШ АЁЛ ва ЁШ ЭРКАК уҳлашмоқда... КЕКСА АЁЛ меҳмонадаги печкага яқинроқ жойлашган, кўзларини томга тикканча, уҳлашга ўзини чорламоқда... Унинг ёнида эри КЕКСА ЭРКАК қотиб ухламоқда... КЕКСА ЭРКАКдан худди ўлиб қолгандай овоз ҳам чеқмайди. Ўнг томондаги хонада ЭРКАК ва АЁЛ уҳлашмоқда... Барча оила аъзолари ерга солинган кўрна-тўшакда ётишмоқда. Уйнинг хоналар деворлар билан бўлинмаган...

*Барча кўринишлар худди реал ҳаётдан олинмагандай, **рамзий** бир ифодага эгадир... Мутлоқ жимлик... Бу сассизлик томошанинг бошидан сўнггига қадар давом этади... **Барча юришлар ва ҳаракатлар овозсиз амалга оширилади...** Худди ҳаракати секинлаштирилган фильм тасавури пайдо бўлади....*

Барча гаплишлар пичирланган ҳолда финалга қадар давом этади. Иштирокчиларнинг баланд овозда гапирмаслика, барча хати-ҳаракатларини шовқин-суронсиз амалга ошириши кўрққиви, томоша давомида томошабинларга ҳам таъсир қилмоғи лозим.)

ИШТИРОКЧИЛАР:

КЕКСА ЭРКАК	- 80 ёшларда. Фақат хасса ёрдамида ҳаракат қилади.
КЕКСА АЁЛ	-70 ёшларда. Жуда ҳам тетик... Ўзига эътибор қаратиш учун ўзини ҳаракат қила олмайдиган қилиб кўрсатади.
ЭРКАК	- 50 ёшларда.
АЁЛ	- 45 ёшларда.
ЁШ АЁЛ	- 18 ёшларда. Ҳомила
ЁШ ЭРКАК	- 20 ёшларда.
ДОЯ	- 40 ёшларда.
БОШЛИҚ (Эркак)	- 75 ёшларда.
АЁЛ ВАКИЛ	- 70 ёшларда
ЭРКАК ВАКИЛ	- 60 ёшларда
1 ҚЎРУВЧИ	- 35 ёшларда
2 ҚЎРУВЧИ	- 35 ёшларда

Воқеа замон: Шу кунларда

Воқеа жойи : Хар бир мамлакат

БИРИНЧИ БЎЛИМ

I

(Тонг отмоқда..... На бир кўпак, на бир хўроз сасидан дарак йўқ. Атрофда сукунат ҳукум сурмоқда. Кун ёришган сари, ичкарида ақлбовар қилмас бир ёруғлик пайдо бўла бошлайди. Сассизлик билан бирга ёруғлик кўпаяётгандай

КЕКСА АЁЛ ҳамманинг халиҳамон уйқида эканлигидан амин бўлиб, биринчи бўлиб уйғонади. Сассизча туалетга қараб юради. Бироздан сўнг оишхонага келиб бир нарсаларни олиб, шошилиб ейди. Бир томондан ёқаланмаслик учун атрофни кузатади.....

ЁШ АЁЛ ҳюзини буриштирганча ётган жойидан турмоқчи бўлади..... Биқини санчиб оғриётгани билинади Бир он эрини уйғотиши ёки уйғотмасликдан қарорсизланади..... Воз кечади, сассиз ўрнидан туради. Унинг ҳомила бўлдиги билинади.

КЕКСА АЁЛ, ЁШ АЁЛнинг яқинлашаётганини сезади ва оғзидаги емак билан ўз ўрнига ётади... Худди уҳлаётгандай ўзини кўрсатади... Хатто устидаги кўрпани, ЁШ АЁЛнинг раҳми келиб уни устига ётиб қўйиши учун атайдан,пастга туширади...

ЁШ АЁЛ сассиз юришга ҳаракат қилиб, олдинида даҳлизга ўтиб,кейин туалетга ўтиб кетади. .КЕКСА АЁЛ уни зимданкузатади... ЁШ АЁЛ бироз вақтдан сўнг яна даҳлизга қайтади...Енгил тортгандай..... Келган йўлидан қайттади... КЕКСА АЁЛни уҳаётганини кўриб, уни очилиб қолган устига кўрпани ёпади...ЁШ АЁЛ ўз хонасига ўтиб кетаркан, КЕКСА АЁЛ ўз мақсадига етганиданўзини бахтли хис қилади ва оғзидаги емгини чайнашдан давом этади...

ЁШ АЁЛ ўз ўрнига чўзилади...

Бу гал ЭРКАК ўз ўрнидан туриб, хонадан чиқади... Даҳлиздан секин ташқарига ўтади...

КЕКСА АЁЛ яна ўзини уҳаётгандай кўрсатади... ЭРКАКнинг қайтиб келишини билгани учун, яна устидаги кўрпани устидан пастга ташлайди...

Бироздан сўнг ЭРКАК кириб Қайтиб келади...ЭРКАК КЕКСА АЁлни кўрпа билан устини ёпади... Ўз хонасига ўтади ва ўрнига ётади...

КЕКСА АЁЛ кўзларини очиб, бошини гоҳ у томон, гоҳ бу томон қаратиб ўз ҳаёлларига чўмиб кетади...

ЁШ АЁЛ бирдан оғриқдан ётган жойида безовта бўлади... Маълумки янгидан тўлғоқ бошланади.)

ЁШ АЁЛ - (Эрини қўллари билан туртади)Туринг...

ЁШ ЭРКАК - (Уйқисираб) Нима бўлди?

ЁШ АЁЛ - Қорним...

ЁШ ЭРКАК - Нима?

ЁШ АЁЛ - Оғираяпди....

ЁШ ЭРКАК - Туалетга бор...

ЁШ АЁЛ - Бориб келдим...

ЁШ ЭРКАК - Ундай бўлса...

ЁШ АЁЛ - Яна оғриқ бошлади... Қўрқаяпман...

ЁШ ЭРКАК - (Ишонгиси келмасдан) Нега қўрқаяпсан?

ЁШ АЁЛ - Нега қўрқаяпман-ми?

ЁШ ЭРКАК - Шамолангансан... (Яна безовталанади.) Бошқа нима бўлиши мумкин?

(Жимлик)

- ЁШ ЭРКАК - Яхшимисан?
 ЁШ АЁЛ - Ўтиб кетди?...
- ЁШ ЭРКАК - Қўрқинчли хеч бир нарса йўқ, дедим-ку...
 ЁШ АЁЛ - Бирдан... Халиги... деб ўйладим...
 ЁШ ЭРКАК - Нима?
 ЁШ АЁЛ - Халиги... Тўлғоқ бошлади деб ўйладим...
 ЁШ ЭРКАК - Бўлиши мумкин эмас.
 ЁШ АЁЛ - Бўлмасам бу оғриқ қаердан келди?
 ЁШ ЭРКАК - Қорин оғриғини тўлғоқ билан адаштираяпсан.
 ЁШ АЁЛ - Ахир у тепкилади... Тепкилаяпди...
 ЁШ ЭРКАК - *(Кўлини хотинининг қорнига қўяди. Хурсандликдан кулумсирайди)* Жуда яхши! Сабирсизланмоқда шекили...
- ЁШ АЁЛ - Яна бирнеча кун сабр қилиши керак...
 ЁШ ЭРКАК - *(Хотининг кўлларини тутуди...)* Бу қўқркувларни калангдан чиқар...Энг камида бир ой вақт бор... Қўрқинчи хеч бир нарса йўқ... Ўз вақтидан олдин, хоҳласанг ҳам туға олмайсан. Бу ҳақда энам сенга гапирмадимми?
- ЁШ АЁЛ - Вақтидан олдин туғишган экан, лекин...
 ЁШ ЭРКАК - Кимдан эшитдинг?
 ЁШ АЁЛ - Энамдан...
 ЁШ ЭРКАК - Анча йиллар олдин бўлган...
 ЁШ АЁЛ - Фарқи йўқ...
 ЁШ ЭРКАК - *(Бефарқлик билан)* Биз дунёга келгунга қадар бўлган экан.
 ЁШ АЁЛ - Хомила аёлни тириклайин тобутга кўйишган экан...
 ЁШ ЭРКАК - Сенга энам айтдимми?
 ЁШ АЁЛ - Онангизга гапираётганида, эшитиб қолдим.
 ЁШ ЭРКАК - Бу воқеалар ўтмишда қолди... Бошқа бундай мудҳиш воқеа бўлмаган... Бир оз ухлаб олишин керак!
- (ЁШ АЁЛ кўзларини юмганча ухлашга ҳаракат қилади... Безовта бўлиш энди ЁШ ЭРКАКга ўтган. Хотининг сочларини силайди... Ҳаёлар оғушида... Ташқаридан келаётган оқариш борган сари кучаяди. Жимлик ҳамма томонни қамраб олмоқда...)*
- ЁШ АЁЛ - *(Кўзларини очади.)* Агар ҳақиқатдан ҳам тўлғоқ бошласачи?
 ЁШ ЭРКАК - Бўлиши мумкин эмас.
 ЁШ АЁЛ - Нима учун?
 ЁШ ЭРКАК - Чунки, катталаримиз ҳаммасини ҳисоблаб, ўйлаб чиқишган.
 ЁШ АЁЛ - Улар хеч ҳато қилишмайдими?
 ЁШ ЭРКАК - Йўқ!..
 ЁШ АЁЛ - Нега?
 ЁШ ЭРКАК - Чунки, улар ҳаммасини тўғри ҳисоблашади.
- (Жимлик)*
- ЁШ АЁЛ - Аммо... Сен ҳам қўрқдинг...
 ЁШ ЭРКАК - Бу табиий эмасми?
 ЁШ АЁЛ - Унда бўлса менинг қўқкувим ҳам табиий...

- ЁШ ЭРКАК - Тўғри... Лекин ҳозир ҳаммаси жойида... Қолаверса, икки кундан кейин барча хавотирлар орқада қолади. Отларимиз, эшакларимиз, итларимиз, сигирларимиз, қўйларимиз, хўроз ва товукларимизни ҳам қайтариб шу ерга олиб келамиз. Уч ойга бўлса ҳам... Кейин сен милтиқлар отилиши хайқириғи билан туғасан. Чақалоқнинг илк бақиришини эшитамиз... Бу хайқириқларда кўрмаймиз... Хохлаганча бақиқрамиз... Хамма хайқиришдан кўркмайди... Чунки хавотирли кунлар ортда қолади. (ЁШ АЁЛнинг сочларини силайишда давом этади.) Барча барала қўйшиқ айтади... Кекслар ҳам сурнай овозига майдонларда ўйинга тушишади... Уч ой!... анан уч ой бу эоркинлик давом этади. Кейин илк қор ёққанда, чақалоғимизни олиб бу ерлардан тоғларни тарк этиб бошқа тинч ерга кетамиз.. Боламизни кўрқинчсиз ерда катта қиламиз....
- ЁШ ЭРКАК - Хайвонлар билан уч ойга келганлар ҳам яна ортга қайтишади... Чунки отлар кишнайдди, эшаклар қичқиради, итлар ҳуради, сигирлар молайди, қўйлар майрайди, хўрозлар қичқиради, товуклар ҳам кукулайди... Сенга бир сирни айтайми?
- ЁШ АЁЛ - Айтинг.
- ЁШ ЭРКАК - Биз бу ерлага бошқа қайтмаймиз. Худди биздан олдин кетиб қолган ёш оилалар сингари. Бу ерларни тарк этиб, бахтли яшаймиз. Кўркмасдан... Умримизнинг сўнггига қадар... Ўлимиз яқинлашаганда буерларга қайтиб келамиз... Худди кексаларимиз сингари...
- ЁШ АЁЛ - Ёз ойлари ҳам келмаймизми?
- ЁШ ЭРКАК - Сен ва ўғлимиз келмайди, мен ўзим келиб кетаман. Чунки мен бу ердагиларга қишга озик-овқат олиб келишим керак... Ун, шакар, туз ва бошқа керакли нарсаларсиз бу ердагилар қандай яшайди?
- ЁШ АЁЛ - “Сен ва ўғлимиз” дедингиз... Ўғлимиз бўлишини қаердан биласиз. Балки қизимиз бўлар...
- ЁШ ЭРКАК - Балким... Гап учун айтдим...
- ЁШ АЁЛ - Мен ҳам бу ерга келиб ота-онамни кўришни хоҳлайман. Уларни соғинчига чидай олмайман.
- ЁШ ЭРКАК - Уларни бу ерга боғлаб қўйишгани йўқ. Хоҳласалар биз билан кетишлари мумкин.
- ЁШ АЁЛ - Ундай бўлса сизни ота-онагиз ҳам бу ерлардан кетишса, сизга бошқа бу ерга қайтиб келишга ҳожат қолмайди.
- ЁШ ЭРКАК - Бизникилар бу ердан кетишмайди... Чунки бобом ва энамлар бу ерда ўлиш учун келишган... Бизникиларни қўявер, яхшисиз ўзимизни боламизни катта қилишни ўйлайлик. Кўрқинчсиз

катта бўлишини таъминлайлик. (*ЁШ АЁЛнинг ухлаб қолганини сезмайди...*) Кекса бир донишманд шундай деган экан: “Қурқув ичида бўлган инсон, эркин фикрлашдан йироқлашади... Чунки қўрқув ҳар қандай фикрни камситиб, йўққа чиқарадиган энг расво ҳолат... Барчамизга даҳшат келтурувчи қўрқув ҳолатидан болаларимизни узоқлаштирайлик!” Йўқ, йўқ бунга рози бўлолмайман...

(*ЁШ ЭРКАК хотининг ухлаб қолганини кўради... Шовқин қилмай, аста – секин меҳмонхонага ўтади. КЕКСА АЁЛ яна ўзини ухлаётгандай қилиб кўрсатади.*)

ЁШ ЭРКАК - Энажон ухламаётганингизни биламан.

КЕКСА АЁЛ - Нима бўлди ўғлим?

ЁШ ЭРКАК - Сиздан бир нарсани сўрамоқчиман...

КЕКСА АЁЛ - Сўрайвер...

ЁШ ЭРКАК - Ўткан куни онамларга ҳам айтгандим... Илгарилари кутилгандан олдинроқ туғган бир аёл хақида гапирган экансиз... Анчаилгарилари бўлган экан...

КЕКСА АЁЛ - (*Безовта бўлиб.*) Сенга бунинг нима қизиғи бор?

ЁШ ЭРКАК - Хотиним буни эшитиб жуда ҳам қўрқибди...

КЕКСА АЁЛ - Нимадан қўрқади? Унга бунинг нима даҳли бор!?

ЁШ ЭРКАК - Даҳли йўқ, лекин қўрқибдида... Ёш ва тажрибасизда... Энди тасирланганда... Мен ҳам ўйлашиб қолдим...

КЕКСА АЁЛ - (*Мароқ билан хотирлайди*) У пайтлар мен худди хатининг сингари ёш эдим. Турмишга чиққанлар орасида тўртта қиз эдик. Ҳаммамизнинг тўларимиз кўркамли ўтганди... Лекин чикмилдикқа киришимиз учун 4 ой кутишимиз талаб қилинарди... Ҳаммамизга нима учун бундай иш тутилиши катталар томонидан тушинтирилган эди. Айтилганидай, уч дугона эрларимизга яқинлашишдан ўзимизни тутиб турдик... Аммо битта дугонамиз ўзини тута олмади... Хато қилди... Хар куни эр-хотин чимилдикқа киришди. Кейин? Қор кўчкиси хатарининг тугашига уч ой қолганда, ўша дугонамизнинг тўғлоқ санжиқлари бошланди... Кейин бўладиганлар бўлиб ўтди...

ЁШ ЭРКАК - Нима бўлди?

КЕКСА АЁЛ - Нима бўлиши олдиндан аниқ эди... Дарҳол Доя чакирилди... Ҳаммаси ойдин бўлди. Тезда маъсул ЭРКАКлардан керакли қарор чиқди... Дугонамиз тобутга қўйилиб, олдиндан тайёрланган мазорга кўмилди...

ЁШ ЭРКАК - Эри нима қилди?

КЕКСА АЁЛ - Кўп кўз ёшларини оқизди... Бу мудҳиш воқеанинг олдини олишга кэп ҳаракат қилди, ёлворди, ялинди... Хатто, қарор чиқарганлардан, ўзини ҳам хотини билан гўрга қўйишларини

- хоҳлади... Лекин бўлар иш бўлган эди... Бошқа иложи йўк эканини, унга тушунтиришди...
- ЁШ ЭРКАК - Кейин нима бўлди?
КЕКСА АЁЛ - Қор кўчики ўтиб, тобут очилганида орадан уч ой ўтган эди... Бошқа қилинадиган иш қолмаган эди...
- ЁШ ЭРКАК - Аммо, бу инсониятга зид воқеа-ку...
КЕКСА АЁЛ - Бошқаларнинг тирик қолиши, яшаши учун, бу қурбонлик зарур эди... Туғиш жараёнида қор кўчкиси юз бериши аниқ эдику. Хамма қор тагида ўлиб кетарди-да. Бошқа бир йўли бормиди?
- ЁШ ЭРКАК - Мен қаердан билай? Балким туғиш пайтида, аёлнинг оғзини нима биландир боғлаб қўйиш мумкин эди... Овозини бошқа йўл билан чиқармаслиги ҳаракат қилиш керак эди...
- КЕКСА АЁЛ - Бизнинг қонун-қоидаларимизга биноан, бундай вазиятда бошқа имкониятларни қўллаш ман қилинган. Аззалардан шундай бўлиб келган. Биз аёллар ўз орамизда синаб кўрмоқчи бўлдик, худди қор кўчкиси ҳавфи бордек, туғаётганимизда овоз чиқармасликка ҳаракат қилдик. Лекин бўлмади, барибир ўзимиз билмаган ҳолда овозимиз чиқди... Яна чақалоқнинг бақариши... Шунини унутмака, энг раҳмсиз қонун-қоидалар ҳам фақат инсоннинг тақдирини ижобий ҳал қилиш, бахтли бўлиши учун яратилган.
- ЁШ ЭРКАК - Бу қандай бахт?! Бировнинг гуноҳсиз ўлими, қандоқ қилиб бошқаларга бахт келтириши мумкин?! қайси виждод билан бу ишни амалага шириш мумкин?!
- КЕКСА АЁЛ - Ким сенга бундай фикрлашга ундади... Каллангдан чиқар бундай ҳаёлларни... Битти вассалом... Бир бало, мингта маслаҳатдан кучли, дейишган... Балким, айнан мана шу мудҳиш ходисанинг тасири билан мана эллик йилдан бери бундай воқеа бошқа такрорланмай келаётгандир.
- (ЁШ ЭРКАК биржим бўлиб қолади, кейин туалетга қараб юриб кетади. Ёндаги хонада АЁЛ уйғонади... Оввозсиз хонадан чиқади... Эрини уйғонишўидан ховотир олиб,секин юриб чиқади. КЕКСА АЁЛ билан қарши-қаршига келади...)*
- КЕКСА АЁЛ - *(Туалетга ишора қилади.)* Ўғлинг у ерда...
- АЁЛ - Нега уҳламаяпсиз?
- КЕКСА АЁЛ - Оч қолдим...
- АЁЛ - *(Унинг гапини эшитмайди.)* Бироз уҳлаб олинг...
- (ЭРКАК ҳам уйғонади)*
- КЕКСА АЁЛ - *(Ўғлининг келаётганини кўради, лекин аҳамият бермайди.)* Оч қолдим ман... Оч қолдим...
- АЁЛ - Ҳар нарсани мен қилишим керак...
- КЕКСА АЁЛ - Агар оёқларимда қувват бўлганда мен сенга айтмаган бўлардим.

- АЁЛ - *(Егулик бир нарсаларни тайёрлаб КЕКСА АЁЛнинг олдига қўяди.)*
Тўқтирмаздан ейинг.
- КЕКСА АЁЛ - Қачон тўқтирган эдим?!
- АЁЛ - Тўқтиргансиз демадим... Тўқтирманг дедим!
- КЕКСА АЁЛ - Тўқтирмаган бўлсам, нега тўқтирманг, дейсан? Демак, эхтиётлиман.
- АЁЛ - Ҳафа бўладиган гап айтмадим..
- КЕКСА АЁЛ - Ҳафа бўлмайдиган гап ҳам гапирмадинг.
- АЁЛ - Яхши... Сиз хақсиз... Ош бўлсин.
- КЕКСА АЁЛ - Оғзим қуриб қолди, ютолмаяпман.
- АЁЛ - Чой дамлайми?
- КЕКСА АЁЛ - Бироз сув бўла етади.
(Эркак бу гапларни сабр билан тинглайди. Хотинига хўмрайиб қарайди...)
- ЭРКАК - *(Хотинига.)* Қилинадиган анча ишимиз бор... Тайёргарлик кўришимиз керак...
- АЁЛ - Шу ердამидингиз?
- ЭРКАК - Бошқаларни ҳам уйғотиш керак.
- АЁЛ - *(Овоз чиқармай.)* Агар онангизда бўшасам.
(КЕСА АЁЛ ишора билан, ўзига, неварасининг туалетда эканлигини тушунтиради.)
- КЕКСА АЁЛ - Сув!
(АЁЛ, норозилик билан пичирлаб сув узатади, кейин печка ёнига бориб шовқинсиз ўчоқдаги ўтинларни қориштиради... Олов яхишлаб ёнабошлайди... Печканинг устидаги катта чойнакка яна сув қўяди. ЭРКАК аста-секин КЕКСА АЁЛнинг ёнига келиб ёногидан ўпади... КЕКСА АЁЛ кўзлари билан ишора қилиб АЁЛдан шикоят қилади... ЭРКАК бундай ҳолга кўникибқолгани учун, “Сабр қилинг” дегандай харакат қилади. ЁШ ЭРКАК келади. ЭРКАК ўзига келинни ҳам чақиршини ишора қилади... ЁШ ЭРКАК боши билан “хўп бўлади” деб, ичкарига кириб, аёлининг сочларини силайди. ЁШ АЁЛ эрининг қўлларини туттади. Бир он қўлларини ушлаганча ўзини бахтли хис қилади...)
- ЁШ ЭРКАК - Энди яхшимисан?
- ЁШ АЁЛ - Яхши...
- ЁШ ЭРКАК - Бобом мен сенга... *(Жимлик)* Қилиниши зарур бўлган жуда ҳам кўп ишлар кутиб турибди... Энди турсанг ҳам бўларди...
(ЁШ АЁЛ ўрнидан туради. Овозсиз кўрпа-тўшакни йиғиштиради... Кутиб турган эри билан меҳмонхонага –залга чиқади. АЁЛ ва ЁШ АЁЛ ерга солинганжойга дастурхон ёзиш билан овора эканлар, ЭРКАК ва ЁШ ЭРКАК деворда осилиб турган милтиқларни қўлларига олишади. ЭРКАК ўзги тўрвада олиб келган нарсалар билан унга бирма-бир қуролни қандай тозлашни кўрсатади. ЁШ ЭРКАК ҳам худди отаси кўрсатгандай милтиқни тозалайди. АЁЛ ва ЁШ АЁЛ худди тезлиги пасайтирилган фильм сингари бир тмондан дастурхони беаишса, иккинчи томондан эса атрофни йиғиштиришади... Бу орада икки милтиқ ҳам тозаланиб бўлади... Чой бордоқлари тўлдирилади... ЁШ ЭРКАК тозаланган милтиқни ўқламоқчи бўлганида, ЭРКАК юзини буруштириб, унга қаршилиқ қилади...)
- ЭРКАК - Ҳозир ўқлаш шарт эмас... Вақти келади...
- ЁШ ЭРКАК - Қизиқ ташқарида ҳовуздаги сувнинг ахволи қандай экан...
- ЭРКАК - *(Кўли билан кўрсатиб)* Уч бармоқча яна бўшлиқ бор эди...

(Милтиқларни илк ҳолатидай яна деворга осиб қўйишади. ЁШ ЭРКАК аёлларнинг дастурхон хазирлашининг сўнгги дамларини хисобга олиб, милтиқнинг ўқларини қутиларга жойлаб, милтиққа яқин жойга қўяди. Кейин отасининг қўллаига сув қуюб, юзларини ювиболишига ёрдамлашади. ЭРКАК сочиқ биланартинади...)

ЁШ ЭРКАК - Сув ховузидан хабар олайми?

ЭРКАК - Майли, эринмасанг бориб келақол...

(ЁШ ЭРКАК овозсиз таишқарига чиқади. Аёллар эса дастурхоннинг сўнгги ҳозирлигини битиришади.)

ЁШ ЭРКАК - *(Келиб қўли билан шиора қилади.)* Икки ярим бармоқ қолибди...

ЭРКАК - Яхши... Балким ховуз бугун тшлиб, бизлар милтиқларни отармиз. Лекин бу кетишида энг кеч эртага кечаси тўлиши мумкин...

ЁШ ЭРКАК - Игшоллоҳ... Фақат кеч бўлмаса бўлгани!

ЭРКАК - Нега бунчали ҳавотирсан?! Ховуздаги сув бир икки кун кеч тўлса нима қилибди.! Орқамиздан чоптириб келаётганлар йўқ-ку!

(Олдин ЭРКАК дастурхонга ёнига ўтиради... кейин бошқалар.)

ЭРКАК - Нега дадамни уйғотмадинг?

КЕКСА АЁЛ - Тинчгина овқатланайлик... Кейин ўзим уни тўйдириб қўйман... Халакит бермасин... Биласанми, қандай ЭРКАК эди даданг? Еру-кўкка сиғмасди... Айтишадику Бўрини қарилигини кўринглар, деб... Мана кўринглар... Бўри қариганда шундай аҳволга тушиб қоларкан...

АЁЛ - Ҳаммага ҳам шундай кексайиш насиб этсин. Бировнинг қўлига қараб қалгани йўқ.

КЕКСА АЁЛ - *(Ачиқ-ачиқ кулимсираб.)* Сен шундай деб ўйлайвер!

(Ҳамма овозсиз чой ичиб, қоринларини тўйдиришмоқда... Бўшаб қолган бардоқларни ЁШ АЁЛ қайтадан чой қуйиб тўлдирмоқда... КЕКСА АЁЛ ёнидаги егуликлар тугагани учун ўглини қўли билан турдиб, яна егулик сўрамоқда... Баъзан эса неварсани туртиб егулик сўрайди... Лекин АЁЛга мурожаат қилмайди. Бирдан КЕКСА ЭРКАК ётган жойида жонланиб, қимрлайди... Нонушта қилаётганларни тушунчасиз кузатади...)

КЕКСА АЁЛ - Келинг... *(Атрофдагиларга)* Жой беринглар, келсин... Келақолсангизчи...*(Қўллари билан шиора қилиб, дастурхонга атрофига келишини тушунтиради.)* Келинг энди... *(ЭРКАК ҳам ёрдам беришига киришади... КЕКСА АЁЛ эрининг оғзига бир нима солишига ҳаракат қилади... Худди аччиқ бир дори ичираётгандай, КЕКСА ЭРКАКни мажбурлайди.)*

КЕКСА АЁЛ - *(Қолларини очиб дуо қила бошлайди.)* Танграм! Мени шундай аҳволга тушурма! Куним битганда сассиз ёнига ол...

КЕКСА ЭРКАК - *(Бошқаларига қараганда жуда ҳам паст, эшитилар-эшитилмас овозда гапирди.)* Ҳамма кетди... Мен ҳам кетдим...

ЭРКАК - Овқатингизни енг дада...

КЕКСА ЭРКАК - Ёшлар ҳаммаси кетди... Бошқа орқага қайтишмади... Бизчи, нима қилдик? Бизлар орқага қайтдик... Ҳар йили қиш фасли тугаши билан орқага қайтдик... Бутун қиш қийналиб меҳнат

қилиб топган унимизла, шакар ва тузумизла, арпа ва буғдойимизла ортга қайтдик. Қишда шунча ЭРКАК оч қолмасин, деб... Ҳар йили яна ҳам жм, сассиз бўлишни ўргатдик сизларга... Энди ҳамини шу ердамиз... Шунинг учун ҳам бу эрда вақти келганда илк милтиқ отиш шарафига мен муносибман... Бу ҳар йили шундай бўлган... Бу йил ҳам шундайлигича қолади...

ЭРКАК - Қорнингиз тўйдириб олинг, дада...

КЕКСА ЭРКАК - Бизларда асли йигит – чақалоғини катта қилиб, яна бу ерга қайтишидадир... Қолаверса, овоз чиқариб, керак бўлса бақариб гапиришнинг маззасини била – туриб, бу еларга қатиб келиши, бу ҳақиқий йигитнинг ишидир... Менинг йигитлигимга қарши чиқадиган борми орангизда? *(Жимлик)* Қачон милтиқларни отамиз?

ЭРКАК - Балким эртага, дада...

КЕКСА ЭРКАК - Мени эътиборга олишмаяпди, писнат қилишмаяпди. Гўё қари филлар ўлиши учун ажратилган ерларига боргани сингари, мени ҳам бу ерга келагинимга худди шундай қарашаяпди...

ЭРКАК - Нима дейишса, деяверсинлар... Биладиган билади... Сиз бу ерга ўз қилоғингизни яхши кўрганингиз учун қайтгансиз...

КЕКСА ЭРКАК - *(Йиғлайди)* Асдини сўраганда, мен ҳам билмайман, нега бу ерга қайтиб келдим... Менга ортиқ на овқатнинг, на сувнинг маззаси таътий... Хатто милтиқларнинг овози ҳам... Қушинг сайрамаз, тишинг кесмас... Шу ҳам ҳаёт бўлди-ю...

КЕКСА АЁЛ - *(Ўзи ўзига)* Тизингиз ҳозр ҳам ўткир... Қушларингиз ҳам сайраб турибди... Яшадигингиз кунларга шукур қилинг... *(Эрига қараб)* Бўлмаган гапларни гапирмасангиз-чи!

АЁЛ - *(Жуда ҳам апст овозда)* Жанига тегиб кетди, ҳамаси!..

КЕКСА ЭРКАК - Дўстларим! Агар яшаётган бўлсанг каушларинг сайраши, тишларин ўткир бўлиши керак! Ана шунда инсон яшашаяпди, дейиш мумкин...

КЕКСА АЁЛ - Қушларингиз сайраганини ҳам кўрдик! Атрофдагилар сиздан мазза қилишди. Бизга бирор фойдаси бўлдимми?

КЕКСА ЭРКАК - Маъносини билмасанг, фойдаси бўлмайдида.

КЕКСА АЁЛ - Кунига уч мартадан куш сайратишга киришсангиз, албатда унинг на маъноси, на ҳаваси қолмайди. Ҳар куни асаль есанг, у ҳам жонига тегади!

КЕКСА ЭРКАК - Агар ундай бўлса, сен сайратмаган кушни бошқалар сайратади! Айбни ўзингдан қидир!

КЕКСА АЁЛ - Тилингизга жуда ҳам эрк берманг!.. Аллоҳимга шукурлар бўлсаин, кушнинг сайрамаган кунларига ҳам насиб эттирдинг, энди ҳам емасам ҳам бўлади! *(Қизишади)*. Чойингизни ичинг!..

Чой ичиш учун ўткир тишлар ккерак эмас!..Тишсиз ҳам ошқозонингиз озиқланмоқда... *(Овозсиз)* Агар кушингиз учмаётган бўлса, барчаси фойдасиз!

КЕКСА ЭРКАК - *(Тик туради)* Тўхта хотин! Билмаган нарсанга аралашма!

КЕКСА АЁЛ - Хўп бўлади... Ўз дардингиз билан куйиб ёнаверенинг!
Йиғланг! Йиғланг! Йўлаб олсангиз енгилтортасиз!

(КЕКСА ЭРКАК овоз чиқармай йиғларкан, бошқалар нонушталарини қилишида давом этишади... Хона жуда ҳам иссиб кетган... Худди куёш хонага кириб олгандай... КЕКСА ЭРКАК ҳам аста-секин чойини ичиб, нонуштасини тугатади...Кейин туриб туалетга қараб юради. АЁЛ ва ЁШ АЁЛ дастурхонни йиғиштиришига киришадилар... КЕКСА ЭРКАК келиб ўтиради... ЁШ АЁЛ бир четда идишларни ювиш билан овора... КЕКСА ЭРКАК қўли билан ишора қилиб, АЁЛдан сигаретта беришини ишора қилади...)

ЭРКАК - Беравер!

(АЁЛ яшириб қўйган сигаретлардан бирини КЕКСА ЭРКАКга узатади... КЕКСА ЭРКАК сегаретани севиниб олади.. Ўзига ишора қилиб, сигаретани ёқиб олишига ёрдам беришини билдиради. Эркак отасининг сигаретасини ёқиб беради...)

КЕКСА ЭРКАК - *(Хузурланиб сигарета тутинини ичига тортади... Бир “мазза” қилади...Ўзига қараб.)* Амакингни танимагансан... Ягар ҳаёт бўлганидаҳозир шу ерда, ёнимизда бўларди. Мендан икки ёш катта эди... Ўз дунёсига ўралиб қолган йигит бўлган... Кам гап эди... Ҳаммамиз кўрқардик, бирон кор – ҳол бўлиб, кўр кўчки бўлади, деб, лекин у барчамиздан кўпроқ кўрқарди... *(Хонага ишора қилади.)* Ёнма-ён ётардик... Баъзан тунда кўрқинчли тушдан уйғониб кетарди... Терга ботиб кетарди... “Нима бўлди” деб сўрардим... Индамасди... Кунлардан бир кун, ҳеч кимга айтмаслик шарти билан, менга барча кўрқув сабабларини айтиб берди. Гўёки, бир кун келиб ҳаммаси “Қор кўчкиси” билан тугайди, деган фикр-ўйлар унга тинчлик бермас экан. “Имкони борича диққат-этиборли бўлайлик. Агар биронтаси маъсулиятсизлик қилиб қолса, ҳаммамиз йўқ бўламиз... Бир бақирӣқ ва ҳаммамиз махв бўламиз... Ҳеч нарса қўлимиздан келмайди... Чорасиз қолиш қанчалик ёмон нарса, тангрим!” дер эди акам раҳматли. Жуда кўрқар эди ва бутун умрини “Қор кўчкиси” ваҳимаси билан яшаб ўтди. Манат шу кўрув билан ўлиб кетди. БКўрқинч инсонни ғажиб ташлайди... Кўрқув инсоннинг ажалидир... Яна бир куни эрталаб туриб акам менга шундай деди: “Шу онда ташқарига чиқиб бақиргим келаяпди... Ўзимни бу хоҳишдан тўхтатаолмаяпман... ” Мен эса унга қараб “Жинни бўлиб қолдингми... Қор кўчиб тушади, ҳаммамиз халоқ бўламиз... “Қор кўчки”дан кўрқаётган эдинг, нима кўркмас бўлитб қолдингми?” дедим. У эса “Кўрқувнинг ажалга фойдаси йўқ. Кўрқиб юриш жонимга тегди. Кўрқиб яшагандан кўра, кўркмай ўлган авфзалроқ. Барибир бир куни бор овозим билан бақириб хуморимдан чиқаман. Шундай

қилиб қўрқувларимдан бира-тўла халос бўламан.” Менинг ҳам жаҳлим чиқди: “Жуда яхши... Биз ҳам шундай қилиб, қўрқувлардан кутилиб оламиз...” Бу гапларни айтишга айтдим, лекин кейин жуда ҳам қўрқиб кетдим. Борди-ю, гина қилиб айтганларимни ростга олиб бақириб юборса-я?..

(КЕКСА ЭРКАК бирдан уйқига кетади. ЭРКАК отасининг ёнидаги кулдонни олиб қўяди. Идишларни юваётган ЁШ АЁЛ бир он боши айланиб сесканади, огириқдан юзи бурушади... ЁШ ЭРКАК хотининг аховолини қўриб, унинг ёнига боради)

ЁШ ЭРКАК - *(Бошқаларга эшитилмайдиган ҳолда)* Нима бўлди?

ЁШ АЁЛ - Яна бошланди...

ЁШ ЭРКАК - Ўтиб кетади...

ЁШ АЁЛ - Чидай олмаяпман... *(Инграйди.)* Сабр қила олмаяпман...

ЁШ ЭРКАК - Чидашинг керак!

ЁШ АЁЛ - Менинг қўлимда эмас...

ЁШ ЭРКАК - Сабр қил!

(КЕКСА АЁЛ ҳафсираб ёшларни қидира бошлайди... Лекин барибир нима бўлаётганига охиригача тушунмайди.)

ЁШ АЁЛ - Қўлимдан нима ҳам келарди?

ЁШ ЭРКАК - Бошқалар билмаслиги керак...

ЁШ АЁЛ - Қадок қилиб?

ЁШ ЭРКАК - Хонага ўтайлик.

(ЁШ ЭРКАК ва ЁШ АЁЛ секин қўшни хонага ўтишади. Худди ҳеч нарса юз бермаётганидай, аста-секин ичридаги хонага ўтишади... ЁШ АЁЛнинг санчиги давом этади.)

ЁШ АЁЛ - Энди яхшимисан?

ЁШ ЭРКАК - Давом этаяпди!

ЁШ АЁЛ - Ўтиб кетади.

ЁШ ЭРКАК - Қўрққаним бошимизга келаяпди, шекили... Шу пайтгача бундай оғриқни кўрмаган эдим... Бу оғриқ, бошқача... Тўлғоққа ўхшайди! Аниқ бу тўлғоқ оғриғи! *(Сассиз йиғлайди)* Энди нима бўлади? Нима қиламиз?!

ЁШ ЭРКАК - *(Ноилож бўлишига қарамай, давом этади.)* Бўлиши мумкин эмас... Хали вақти уқелмади-ку?! Январ ойига яқин эди, илк маротаба бирга бўлганимиз... Хали орадан тўққиз ой ўтмади-ку?! Ҳеч бўлмаганда, 10 кун бор... *(Бармоқлари билан санайди...)* Яна, энг камида бир ой бор экан, туғишинга... Ўтиб кетади... Қўй ваҳима қилма!

(АЁЛ, кейиннинг йўқлигини фарқ қилади... Идиш – товоқларни олдига боради. Чала, ювилмай қолган идишларни кўриб жаҳли чиқади, ўзи ювишни давом этади... ЭРКАК тахтачалардан бир нарсалар қуришига ҳаракат қилади. КЕКСА АЁЛатрофда бўлиб ўтаётган жараёнларни тушунишига ҳаракат қилади... КЕКСА ЭРКАК қаттиқ уйқуда... Хатто баъзан енгилгина “Хурруллаб” қўяди. КЕКСА АЁЛ идиш-товоқларни ювиб бўлади....)

АЁЛ - *(Қўлларини сочиққа артиб)* Келинни кўрдингизми?

ЭРКАК - Ўз хоналарига ўтишди... Нега сўраяпсан?

АЁЛ - Идишлар ювилмай қолибди...

ЭРКАК - Келинни кўпам безовта қилма... Ҳомилси бор...

- АЁЛ - Кошкеди мени ҳам сиздай кайотам бўлганида эди... Мен ҳеч ким бундай эъзозламаган эди.
- ЭРКАК - Ўтган ишни аралаштирма...
- АЁЛ - Масала менга таалуқли бўлса, ҳамisha “ишни аралаштирма” дейсиз... Бу оиланинг барча ишлари менга қолиб кетди... Ҳаммасини мен едириб – ичиришим керак...
- ЭРКАК - Едириб ичирасанда. Бу сенинг вазифанг. Кейин болаларимиз бизга қарайдилар...
- АЁЛ - Ҳозирги ёшлардан умит қилаётганингиздан ҳайронман. Хали вақт кўрсатади... Хали болалри туғулгандан кейин яна бу ерларга қайтишни хоҳлашадими йўқми, кўрамиз... Ҳозиргача янги ойилалилардан ҳеч бири қайтиб келмаган.
- ЭРКАК - Мени ўғлим бошқача... У албатда бу ерга биз билан яшагани қайтиб келади.
- АЁЛ - Балким йўлингиз бу ерга қайтибкелишни хоҳлар, лекин келин бунга рози бўлармикан? Кўрмаяпсизми, ўғлингиз келинни оғзига қараб турибди... Худди фақат унинг хотини хомила бўлгандай...

(КЕКСА АЁЛ, ўғли ва келини орасида тортишма бўлаётганини хис этади. .. Бўлаётган гапларни тушинишига ҳаракат қилади, аммо ҳайҳот... Бир томондан ичкаридагилар ахволдан безовта эди.)

- ЭРКАК - Яна қайноналигинг тутиб қолмасин !?
- АЁЛ - Ҳақиқатни айтсам, қайноналигим тутуб қолган бўларканда...
- ЭРКАК - Чўзвординг... Сени келинлигинг ҳам кўрдик... Онамга қилганларингни унутганим йўқ... Ҳозиргача онамлани тинч қўймайсан.

(Жимлик. ЁШ АЁЛнинг оғриги тўхтаган... Эркак хотининг маржондек юзидаги терларини румолча билан артмоқда.)

ЁШ ЭРКАК - Мана кўрдингми, ҳаммаси ўтиб кетди...

ЁШ АЁЛ - Иншаллоҳ...

ЁШ ЭРКАК - Меҳмонхонага ўтайлик... Ҳавтир олишмасин...

(Ёш эркак хотини биланмеҳмонхонага ўтишади... КЕКСА АЁЛ бўлиб ўтган вақеаларни охиригача тушунмаган бўлса ҳам, нималардир бўлаётганини хис этади. ЁШ АЁЛ оишона томонга юради...)

ЁШ АЁЛ - *(Киноя билан)* Овора бўлма, қизим... Мен идишларни ювиб қўйдим...

ЁШ ЭРКАК - Бироз боши айланиб қолди, онажон.

(ЁШ ЭРКАК отасининг ёнига ўтиб ўтиради. Тахта парчасини қўлига олади... Ишлашга киришади... ЁШ АЁЛ КЕКСА ЭРКАКнинг устини ёпиб қўяди... Ўтинларни аралаштиради)

КЕКСА АЁЛ - *(Тортинчоқлик билан)* Ўғлиийим... Мени халиги...

(ЭРКАК ва ЁШ ЭРКАК ўз ўринларидан туришади. Маълумки, КЕКСА АЁЛнинг юраолишини билишмасди. КЕКСА АЁЛнинг икки қўлидан ушлаб ҳожжатхонага олиб боришади...)

АЁЛ - *(Ўрнидан туриб, уларнинг орқаларидан эшикни ёпади.)* Шу етмай турганди...

ЁШ АЁЛ - Хеч бўлмаганда гапираяпди ку, онажон... Аар тилдан қолганди нима қилардик?

АЁЛ - *(Жаҳли чиқиб)* Нима қиламиз? Чорасиз қолдик... Бу ишни бир томонини мен кўтарамн дейдиган кимса топилса, мен ғам емасдим.

ЁШ АЁЛ - Аҳамият берманг, онажон... Бироз оғирлашдим... Шунга қарамай кўлимдан келганча ёрдам беришга ҳаракат қиламан...

(АЁЛ аҳамият бермайди... Жим бўлишади... ЭРКАК ва ЁШ ЭРКАК, КЕКСА АЁЛни суяб олиб келишади... Уни ётоғига ётиришади...)

КЕКСА АЁЛ - Аллоҳ сиздан рози бўлсин! Ушлаганингиз олтин бўлсин! Аллоҳ муродингизга етказсин! Аллоҳ сенга кўчқордек йигит берсин!

ЁШ ЭРКАК - Иншаллоҳ эна! Айтганларингиз ўз вақти соатида бўлсин! Барча кўрқувларимиздан кутиламиз!

(ЭРКАК ва ЁШ ЭРКАК яна ёғочларнинг парчаларини қўлларига олишади. Ишлашга давом этишади... КЕКСА АЁЛ акс урмоқчи бўлади. Оғзу-бурнини беркитиб, овозсиз акс уради)

БОШҚАЛАР - Кўп яшанг!!!

КЕКСА АЁЛ - Раҳмат. Мени ёшимга қиринглар!

КЕКСА ЭРКАК- *(Бирдан уйғонади... Акаси билане бўлан воқеани қолган еридан давом этишга киришади.)* “Йўқ!” дедим... “Бу ишни қила олмайсан! Бақираолмайсан! Ҳаммамиз халок бўламиз... Тушунмаяпсанми, ҳаммамиз ўламиз!” “Ҳаммасини тушуниб турибман. Лекин кўлимда қаршилиқ кўрсатиш келмаяпди.... Ташқарига чиқиб бақиргим келаяпди...” Бу гапларни акам гапираркан, унги хафа бўлганини тушуншгандим... Чунки у ичидан йиғлаётган эди. “Бу кетишда ҳамманинг ўлими мени кўлимда бўлади... Аммо, Аллоҳим бу қандай тақдир... Бақирини бунчалик ихтирос билан ҳоҳлашни кўрилмаган... Худди бир аёлга эхтирос кўйандай... Бутун борлигим билан ҳайқирини ҳоҳламан! Бу ҳоҳишдан ўзимни тия олмаяпман, жим бўлишни ҳоҳламаяпман...” деб қайғурарди.

Менинг аҳволим жуда ҳам ёмон эди... Чунки ҳар бирининг кўрқуви бор эди... Қор кўчкисидан кўрқишарди... Мени кўрқаним эса, акамнинг бақириб юбориши мумкинлигида эди... Мен нукул акамни кузатиб юрардим... Қаерга борса кетидан борардим... Ундан фақат илтимос қилардим... У менинг ночор ҳолимни кўриб, қўлларини мушт қилиб сиқар, тишларини бир бирига босганича бақириндан бироз вақт бўлса ҳам воз кечарди. Кейин, кунлардан бир кун гапириб қолди: “Ортиқ бақириндан воз кечдим!”. Мен шу он эшитганимга ишонмай сўрадим: “Ростдами?”. У эса “Ҳа”, деб ишонч билан жавоб берди. Мен ўшанда жуда ҳам хурсанд бўлган эдим. Севинганимдан кўз ёшлари пайдо бўлди. Хурсанд бўлишимга

улгурмай, акам ўз фикридан қайтди: “Бақирсам қанча бақираолман... Яхшиси милтиғни олиб чиқиб, бор овоз билан отаман... Албатда милтиғни бақиртириб отаман, ана шунда инсонлар устига тоғлардан кўчган қорлар ҳам кучли ва кўп бўлади.” Аллоҳимдан ўтиниб дуо қилиб ёрволиб кетдим. Акам барча ақлини ёқотиб қўйган инсон сингари кўринди. Ҳамаси ойдинлашгандан кейин, нима қиларимни билмай отамнинг олдига бориб, ҳамма бўлиб ўтган гапларни тушинтирдим. Отам: “Бу иш яхши бўлибди”, деди. Кўриниб турган эдики, у ўша он ҳамма нарсага қодирди... Ноилож, бор гапни бориб отамга тушунтирдим. Отам “Бу яхши. Милтиқларнинг ўқларини яширсак, ҳеч нарса қила олмайди” деди... Мен эса норози бўлиб: “Бўлмади... Бу яхши қарор эмас... Яна асабийлашса-чи? Менимча, милтиқ отилмагандан кейин унинг жаҳли чиқали ва албатда бор овози билар хайқириб бақиради... Зотан, қор кўчкиси учун милтиқнинг отилиши шарт эмас, ота... Бор овоз билан бир бақириб қор кўчишига туртки бўлади. Ахир агар бирон бир чора кўрмасак ҳаммамиз халок бўламиз... Агар зудлик билан бу ҳол ҳақида хабар бермасак, сиз ҳам, мен ҳам айбдор бўламиз. Етар энди, ота бу хпқиқтни кўришимиз керак. Акамни сақлаб қоламан деб, ҳаммамизни нобуд қиласизми?” Отам бу гаплардан кейин, бу масалага жидий муносабатда бўлди. У бироз ўйланиб, кейин: “ Ҳақлисан” дедида, ўша заҳрти бориб “Кексалар кенгашига” хабар берди. У ердагилар лтамни сассиз тинглашиб, нима қилиш кераклиги ҳақида узоқ маслаҳатлашишди. Чуенки бундай вазиятга кесалар ҳам илк тушишлари эди. Отам уларга қараб: “ Ўғлимга қандай чора кўрасизлар. Айтинглари... Мени билишга ҳақим бор.” Кексалар кенаши аъзолари бироз маслаҳатлашиб: “Нима чора кўришимиз аниқ... Ҳар ҳолда барчамизнинг ўлим кунини кутмаймиз-ку. Қўл-оёғини боғлаб, оғзини ёпиб, бир хонага қамаб қўямиз.” Отам бу масалани тагига етиш мақсадида: “Қачонгача яширамиз...” Улар эса: “ Қор кўчкиси ҳавфи ўтгунга қадар... Унгача оғзини ҳам очиш мумкин эмас, ахир у ақлини йўқотиб қўйибди-ку. Борди-ю бақириб юборса-чи!?” Уларнинг қарорга рози бўлмай, отам ўз фикрини билдирибди: “Овқат емасдан, сув ичмасдан инсон қандай қилиб ҳаётда қолади? Ахир сизлар ўғлимни билад туриб, тириклайин гўрга тикаяпсизлар-ку...” Лекин улар отамга қулоқ солмай, акамнинг қўл-оёқларини боғлаб, оғзини ёпиб, бир хонага ташлашди. Очидан ўлиб қолмасин деб, акеамни кунда бир марта овқатлантиришарди. Овқатлантираётган кўрувчилар, емакни оғзига тикиб, бақириб юбормасин деб, ҳамон оғзини қўллари

билан ёпишарди... Ўн беш кун мана шу аҳвол давом этди...
Айтиш осон, ўн беш кун... Кейин бир кун келиб “Ўғлинг
ўлди!” дейишди. Ўзи ўлдими ёки кўрувчилар бўғиб
ўлдиришдими, ҳеч ҳам билолмадик... (Уҳлаб қолади)

ЭРКАК

- (Ўғлига) Эшитганмидинг бу воқеани?

ЁШ ЭРКАК

- Албатда эшитган эдим.

АЁЛ

- Бу воқеани нечанчи марта эшитяпсан?

ЁШ АЁЛ

- Мен ҳам камида уч марта эшитганман...

КЕКСА АЁЛ

- Қор кўчки хатари ўтгандан кейин илк юоламини туғдим. (Ўғлига)
Сени туғдим... Кейин илк қор ёққанда бу ердан
кетгандик... Борган жойимизда ҳам кўрқанимиздан узоқ вақт
овоз чиқармай юрдик... Кўникиб қолибмиз сассизликка... У
ердакилар бизни жуда ҳам ёқтириб қолишганди... Бизни
ишлашимиз, сокин ҳаракат қилишимиз уларга жула ҳам
маъқул келарди. Бизлар ҳам бориға шукур қилиб яшардик. Энг
оғир ишларни биз бажарардик... Ерлилар биздан жуда ҳам
фарқ қилишарди... Шовқун-сурон, бақир-чақир билан
ишлалар, бир бирларини балан овоз билан чақирарди эди...
Энг аламлиси бизлар хатто кулганимизда ҳам имкон қадар овоз
чиқармасдик, улар эса баррала хоҳлаб кулишарди. Бизни
“ЭРКАКларга ўхшаб” эркин овоз чиқариб яшашга чорлашарди.
Улар бизларга қараб: “Сизларни қишлоғимизга қабул қилдик,
сизлар ҳам бизларга ўхшаб эркин яшанглар. Керак бўлганда
бақириб-чақиринглар, хоҳлаган пайт мазза қилиб
кулинглар...” дейишарди... Кейин иккинчи ўғлимни туғдим...
Амо унинг умри қисқа экан, узоқ яшамади... Ундан кейин бир
қизим туғилди, у ҳам яшамади... Бу афандига келсак, тез орада
щзгара бошлади... Ўзича акасини халок бўлганидан ҳафа эди...
Ҳар куни ичиб маст ҳолда келишни одат қилиб олди. Яъна
ўзича : “Бу дард мени битиради...” деб, мени ўзига ҳамдард
қилди. Кейин билсам, бошқа бир аёл билан аьлоқаси бор экан.
Мен: “Нега бу аёл билан юиргасиз?” деб сўрасам, уялмасдан
менга қараб: “Мен акамнинг қурбонидан кейин нима
қилаётганимни билмай қолдим. Менга тегма...” деб, мавзудан
ўзини олиб қочарди. Кейин билсам, битта аёл билан эмас,
тўғри келган фоҳишалар билан аьлоқа қиладиган бўлиб
қолибди. Мен эркакларнинг дардига ҳар хил аёллар малҳам
бўлишини, эримдан ўргандим... Катта ёшдаги бир кўшни аёл
бор эди... Уша хола менга эримнинг кирдикорларидан
хабардор экан... Кунлардан бир кун уйимизга келиб,
эркакларни уйга қайтаришнинг турли йўллари борлиги хақидан
гапириб берди. У менга қараб: “Оҳ тортиб йиғлагандан кўра,
ўзингга аро бериб, чиройли кийимларни кийиб, очик чехра

билан кулиб, эрингни қаршила...” деди. Мен ҳам уни айтганларни бажо келтирдим... Аммо эрим менга қиё ҳам ҳам қарамади... Бу етмагандай, кўшни хола менга, эрим ёқтирган энг яхши таомларни тайёрлашни такидлади. Лекин эрим уйга маст ва тўқ ҳолатда келарди... Биласизларми тўқ эркакга овқат едириш қанчалар қийин... Бу ишлар қутилган натижа бермагандаланн кейин, кўшни холанинг учинчи маслаҳатини ишга солдик... Режага кўра мен кичкина болам билан бирга касал бўлиб қолишимиз керак эди... Айнан мен ҳам касал бўлишим керак эдики, болани боқиш, парвариш қилиш эримга қолсин... Аллоҳга шукурлар бўлсин, мана шу учинчи маслаҳатни амалга оширгандан кейин, эрим буткул уйга қайтди... Лекин мен учун бу жараёнлар жуда ҳам қийин бўлди... Сизлар бу афандининг бундай мулоим ётишларига қараманг, у жуда кўп нарсаларга қодир...

(Бирдан ЁШ АЁЛ оғриқдан безовта бўла бошлайди... Қорни оғриганидан икки букулади. Катта қийинчилик билан кўшни хонага ўтади. Хотини безовта бўланини кўран эри уни орқасидан чиқади... Уларнинг безовта бўлишини КЕКСА АЁЛ зимдан кузатади... Оғриқдан бўлиши мумкин бўлган натижадан даҳшатга тушади...)

ЁШ АЁЛ - Чидай олмаяпман!.. Аллоҳим сабр бер... Чидай олмаяпман!
 ЁШ ЭРКАК - Нима қила оламан? Сабр қил!
 ЁШ АЁЛ - Бу тўғлоқ санчиши... Тушунсангизчи! Аллоҳим бу кўруликдан мени қутқар!

ЁШ ЭРКАК -

(КЕКСА АЁЛ, ЭРКАКга ишора билан бир нималарни тушинтиришга ҳаракат қилади... ЭРКАКнинг уни тушунмаётгани кўриб, ўрнидан туради ва ўгли томонга юради... АЁЛ ўтирган ўрнидан тура олмайдиган КЕКСА АЁЛни юриб кетгани кўриб шошиб қолади. Тили тугилади...)

КЕКСА АЁЛ - Ўғлим!.. Келин!
 ЭРКАК - Нима бўлди, она?
 АЁЛ - Юраяпди! Онангиз юраяпди!
 ЭРКАК - Она сиз юраяпсиз!
 КЕКСА АЁЛ - Юраяпманми? Ха, юраяпман... Қўйинглар мени юришимни... Келин туғмоқчи!
 ЭРКАК - Нималар деяпсиз она?
 АЁЛ - Онангиз юраяпди!
 ЭРКАК - Онаминг айтганларини эшитмадингми, хотин!? Келин туғади, деяпди!

(Учаласи ҳам кўшни хонага ўтишади... Уларнинг келгани сезмаган ЁШ ЭРКАК хотинини сассиз бўлишини ишора қилади. ЁШ АЁЛ эса кучли оғриқдан инграшда давом этади.)

ЭРКАК - Нималар бўляпди ўғлим?
 АЁЛ - Бирон нарса бўлдими?
 ЁШ ЭРКАК - Хеч нарса бўлгани йўқ...
 АЁЛ - Аҳволини қара...

- ЁШ АЁЛ - Шунчаки қорним оғримоқда... *(Билдирмасликка ҳаракат қилади)*
 Ҳозир ўтиб кетади.
(Ҳаммининг кўзлари ЁШ АЁЛдадир... ЁШ АЁЛ оғриқни билдирмасликка ҳаракат қилмоқда... Ортиқ сабр қиаолмай ерга ўтириб қолади...)
- АЁЛ - Бу! Бу! Ё Танрим!
- ЁШ ЭРКАК - Йўқ она... Бу сиз ўйлаган нарса эмас... Бору-йўғи қорни оғрияпди, холос.
- АЁЛ - Иншаллоҳ... Сув ичасанми?
- ЁШ АЁЛ - Чидай олмаяпман! Жуда оғрияпди... *(Инграшани бошлайди)*
- ЁШ ЭРКАК - *(Кўли билан хотинининг оғзини ёпишга ҳаракат қилади.)* Ҳозир ўтиб кетади...
- ЁШ АЁЛ - Ўтмаяпди...
- ЭРКАК - Нималар бўлаяпди...
- ЁШ ЭРКАК - Қорни оғрияпди, дада...
- АЁЛ - Бу оддий қорин оғриғига ўхшамаяпди... Мен кўп марта туғганман... Бу тўғлоқнинг сачиғи...
- ЭРКАК - Ё Аллоҳ...
- КЕКСА АЁЛ - Мен сизларга айтдим-ку.
- АЁЛ - Энди нима бўлади?
(ЁШ АЁЛнинг оғриғи пасаяди, аста-секин сокинлашади... Лекин юзларидан терлар оқади...)
- ЁШ ЭРКАК - Мен сизларга оғриқ ўтиб кетади, деандим-ку... Мана ҳаммаси яхши эди...
- АЁЛ - Хеч ҳам ўтиб кетгани йўқ... Шунчаки озгина танафус бўлади...
 Бир оздан кейин яна санчиқ бошланади...
- ЭРКАК - Сен қаердан биласан...
- АЁЛ - Мен билмасам, ким ким билади? Ҳаммаси бўлиб олти марта тўғган бўлсам... Ростини айтаман, бу оғриқ, тўғлоқ санчиғи...
(Бир оз жимлик чўқади)
- ЁШ ЭРКАК - Нимага асосланиб бундай такидлайсиз, она?
- АЁЛ - Ҳозир айтдим-ку, эшитмадингми? Сендан бошқа беш марта туғганман. Мен билмай ким биласин...
(Яна жимлик пайдо бўлади)
- ЭРКАК - Ишонч ҳосил қилишимиз керак...
- ЁШ АЁЛ - Ўтиб кетди... Оғриқ бутунлай тўхтади...
- КЕКСА АЁЛ - Ҳамиша шундай бўлади... Олдин санчади, кейин ўтиб кетади... яна оғрийди, яна ўтиб кетади... Кейин эса...
- ЁШ ЭРКАК - Қадоқ қилиб?
- ЭРКАК - *(Жиддий)* Бор Дояни чақир...
- ЁШ ЭРКАК - Нега..?
- ЭРКАК - Уни чақиришга мажбурмиз... Агар бу санчиқ “тўғлоқ” бўлмаса, унда ҳаммаси ойдинлашади... Шундай қилиб, ҳамма саволларга жавоб топамиз... Қўрқиб юргандан кўра, борини билиб олган яхши...

- ЁШ ЭРКАК - Агар ростанам тўғлоқ бўлсачи?
 ЭРКАК - Дояни чақир, тезроқ келсин...
 ЁШ ЭРКАК - Борди-ю хақиқатан тўғлоқ бўлсачи!?
 АЁЛ - Нима бўлганда ҳам, биздан талаб қилинган ҳаракатларни бажаришимиз керак... Дояни чақиришимиз шарт!
(Яна бир оз жимлик ҳукум суради)
 ЭРКАК - Бу ишни кечиртириб бўлмайди... Энди ҳар бир дақиқа ҳисобда... Бу ернинг қонун-қоидаларига бўйсунимиз шарт...
 ЁШ ЭРКАК - Аммо-лекин!?
 ЭРКАК - *(Жиддий)* Бошқа ҳамқишлоқларни хавф остида қолдира олмаймиз... Агар бирон бир қоидани бузувчи ходиса бўлса, дарҳол керакли жойга хабар беришимиз керак... Чақирилар дояни!
 ЁШ ЭРКАК - Йўқ!
 ЭРКАК - Чақиришимиз шарт...
 ЁШ ЭРКАК - Йўқ! Бу тўғлоқ санчиқи эмас! Илгарилари ҳам бундай оғриқлар бўлган эди... Кейин ўтиб кетарди... Мана кўриб турибсизлар оғриқ қолмади... Яна бироз кутайлик...
 ЭРКАК - Нимасини кутамиз... Туғишини кутамизми?
 ЁШ ЭРКАК - Хотиним туғаётгани йўқ-ку?!
 ЭРКАК - Сен қаердан биласан? Сен ҳам ишонч ҳосил қилишинг керак бўлади... Чақирилар Дояни.
 ЁШ ЭРКАК - Тўхтанг онажон! Бекорга тўполанг қилмайлик! Бироз кутайлик...
 ЭРКАК - Кутмаймиз! Бизни вақтимизни олма! Ўзингни алдама! Бор чақир!
 ЁШ АЁЛ - Тўхтанг онажон... Ўтиб кетди... Ҳеч қаерим оғриётгани йўқ... Қасам ичаман, санчик, оғриқ йўқ энди...
 КЕКСА АЁЛ - Оғриқ, тўғлоқлик бўлмаса, нега безовта бўлаяпсан, қизим? Доя келиб бу санчиқ нимадан эканлига аниқлик киритади. Бу тахшисдан ҳаммамиз хотиржам бўламиз, шундай эмасми, болам...
 ЭРКАК - Онам тўғри айтаяпти... Барчасига аниқлик киритишимиз керак... Бу фақат доя бизга айтиши мумкин...
 ЁШ ЭРКАК - Борди-ю, ростан, бу санчиқ тўғлоқ бўлсачи?
 АЁЛ - Бу ҳақда ҳамма яхши билади... Агар вақтида тўғлоқлик ҳақида хабар бермасак, бизлар ҳам айбдор бўламиз...
 ЭРКАК - *(Қарорли)* Ҳаммасини аниқ билишимиз керак... Ёки муддатидан олдин аълоқа қилдингларми?
 ЁШ ЭРКАК - Бундай маъсулиятсизликдан қандоқ қилиб мени айблайсиз?
 ЭРКАК - Ундай бўлса, нега Доянинг келишига қаршилиқ қиляпсан? Айт менга, нега? Гапирсанг-чи! Гапир! Сенга айтаяпман, гапир!!! Эшитаяпсанми мени? Гапирсангчи!
(ЭРКАК ўглининг ёнига келади ва уни чимчилаб ўз хирсини қондирмоқчи бўлади.)
 ЁШ ЭРКАК - Ҳаммаси сиз ўйлагандай эмас, дада! Қасам ичаман!

- ЭРКАК - Бўлмасам нега кўрқаяпсан, тентак! (Чимчилашда давом этади.)
Менинг оборойимни икки пуллик қилмоқчимисан? Бир саб қила олмадингми, тарбиясиз! Хирсинга соҳиб чиксанг, шу кунлар бошимизга келмасди! Уятсиз! Сабирсизлигинг ўзингни ҳам, бизни ҳам таҳликана солди. Энди бутун қишлоқ бизга нафрат кўзи билан қарайди. Инсонлар ўзларини бизнинг оиладан олиб қочишади...
- ЁШ ЭРКАК - Мен одатларимизни бузганим йўқ, дада!
ЁШ АЁЛ - *(Йиғламоқда)* Биз гуноҳ қилмадик. Кўрқинчли ишга қўл урмадик...
(ЭРКАК бирдан ўйланиб қолади... Ортиқча гапириб юборганини тушунади...)
- АЁЛ - *(Ўғлини эрини қўлидан тортиб олади)* Қилганим йўқ деяпди...
Қўйиб юборинг уни...
(ЭРКАК ўғлини қўйиб юборади... Ўйланиб, сокинлашади...)
- ЭРКАК - *(Ҳали ҳам ўз фикридан қайтмаган)* Барибир ишонч ҳосил қилишимиз керак... Бориб дояни чақириб келинлар... Бор турма! Тезроқ!
- АЁЛ - Нема дейман, унга?
ЭРКАК - *(Жим бўлиб қолади, бироз ўйланади...)* “Келиннинг холатидан шубҳаландик... Кўриб берсангиз яхши бўлади... Ишонч ҳосил қилмоқчимиз” дейсан. Ростини айтгин... Яқинда санчиқ бўлди, дегин! Бўла қол!
- (АЁЛ устига ёпингани катта румол олиб, овозсиз ташқарига чиқади... ЁШ АЁЛ бир чеккада тикилаб йиғламоқда... Хонанинг бошқа томонида эса қолганлар, “нима бўларкин” деб ховотда эдилар.)*

ПАРДА ИККИНЧИ ҚИСМ

II

(ЁШ АЁЛ ўз хонасида қайгули ва безовталаниб ўтирибди. ЁШ ЭРКАК хотинига яқин ўтирган ҳолда, ўйланмоқда. вазиятдан чиқши йўлини қидирмоқда... КЕКСА АЁЛ ўз ўрнида ўтишиб, кўзларини эшикка тикканча кутмоқда... ЭРКАК баъзан деразадан ташқарига қараб, хонанинг ичида юрмоқда... КЕКСА ЭРКАК уҳламоқда... Хонанинг ташқари эшиги очилади ва АЁЛ кириб келади.)

- ЭРКАК - Нима бўлди?
АЁЛ - Айтдим.
ЭРКАК - Нима деди?
АЁЛ - Ҳозир келар экан.
ЭРКАК - Нега бирга келмади?
АЁЛ - Қўриқловчиларга хабар бериши лозим экан...

(АЁЛ, келиннинг ёнига ўтади... Асата-секин келинга тасалли бериши учун уни бошини силайди...)

- ЁШ АЁЛ - Келдими?
 АЁЛ - Ҳозир келади... Мен йўқлишимда бир бир нарса бўлдимми?
 ЁШ АЁЛ - Йўқ!
 АЁЛ - Қўрқиб турганимиз бошимизга келмасин...
 ЁШ АЁЛ - Иншаллоҳ.
 АЁЛ - Балки бу оғрик ҳомилалик билан боғлиқ эмасдир.
 ЁШ АЁЛ - Иншаллоҳ.
 АЁЛ - Мендан жаҳлинг чиқмадимми?
 ЁШ АЁЛ - Жаҳлим чиқишига ҳаққим борми?
 АЁЛ - Нима ҳам қилардик. Хабар беришга мажбур эдик... Ким бўлишдан қатъий назар, хабар бериши шарт эди.
 ЁШ АЁЛ - Биламан.
- (Жимлик)*
- ЁШ АЁЛ - Қўрқаяпман.
 АЁЛ - Қўлимиздан бошқа иш келмайди.
 ЁШ АЁЛ - Жуда ҳам қўрқаяпман...
(ЭРКАК деразадан ДОЯнинг келганини кўрди шекили, безовта бўлади ва АЁЛнинг ёнига келади.)
 ЭРКАК - Келишяпди!
(АЁЛ билан ЭРКАК эшикни очишади.)
 АЁЛ - Хуш келдингиз!
 ЭРКАК - Марҳамат.
(Олдинига ДОЯ, унинг орқасидан 1- ҚЎРУВЧИ ичкарига киришади.)
 ДОЯ - Ҳайрли тонг.
 1- ҚЎРУВЧИ - Кунимиз ойдин бўлсин.
 ЭРКАК - Ҳайрли тонг.
 ЁШ ЭРКАК - Сизга ҳам.
 АЁЛ - Сенга ҳам.
 КЕКСА АЁЛ - Хуш келдинг, болам.
(ДОЯ. КЕКСА АЁЛнинг қўлини ўпади)
 КЕКСА АЁЛ - Сени ҳам қўл ўпувчиларинг қўпайсин, болам.
(ЁШ ЭРКАК ҳам ДОЯнинг қўлини ўпади.)
 ДОЯ - Раҳмат, ўғлим.
 ЁШ ЭРКАК - Бу тўлғоқ эмас...
 ДОЯ - Иншоллоҳ.
 АЁЛ - Бирор ичимлик берайми?
 ДОЯ - Бундай вазиятда вақт ғанимат. Кеч колмайлик... Агар ташвишланадиган бирон бир ҳол бўлмаса, албатда қаҳваларингизни ичаман
 АЁЛ - Иншоллоҳ.
 ДОЯ - Келин қаерда?
(АЁЛ олдинда ДОЯ унинг орқасидан келининг ёнига боришади.)
 ЭРКАК - (1-ҚЎРУВЧИга) Марҳамат, ўтиринг.
(1-ҚЎРУВЧИ ўтиради. ДОЯ. ЁШ АЁЛнинг ёнига келади. Сочларини силайди.)

- ДОЯ - *(Аёлга)* Сен чиқ бу ердан!
(Аёл қолганларнинг олдига чиқади.)
- ДОЯ - Шифосни берсин, қизим.
- ЁШ АЁЛ - *(Овозини титроқ босади)* Раҳмат хола.
- ДОЯ - Олдинига гаплашиб олайлик...
- ЁШ АЁЛ - Хўп.
- ДОЯ - Аммо саволларимга тўғри жавоб берасан... Хўпми?
- ЁШ АЁЛ - Хўп.
- ДОЯ - Қачон чимилдикқа кирдинглар?
- ЁШ АЁЛ - Декабрнинг ўрталарида.
- ДОЯ - Ундан олдин оралдарингда ҳеч нарса бўлмаганмиди? Яъни, ўпишиш, ёки шунга ўхшаш ҳаракатлар. Балки эҳтиётсизлик қилиб... Мендан ҳеч нарсани яширма.
- ЁШ АЁЛ - Яширганим йўқ!
- ДОЯ - Сенга яхшилиқ қилиш сўраяпман.
- ЁШ АЁЛ - Қасам ичиб айтаман, ҳеч нарсани яширганим йўқ.
(ДОЯ бармоқлари билан санай бошлайди. Яна бошқатдан санайди.)
- ЁШ АЁЛ - Ҳола жудаям кўрқиб кетаяпман.
- ДОЯ - Кўрқадиган ҳеч нарса йўқ, болам. Вақтини ҳисоблаб чиқдим, ҳавотира ўрин йўқ. Ҳисобга кўра туғишга хали бир ой бор.
- ЁШ АЁЛ - Худо хоҳласа...
- ДОЯ - Агар бугун туғилиши керак бўлганда, анча олдин бир бирларинг билан алоқада бўлган бўлишларинг керак эди. *(ДОЯ яна бошқатдан санайди.)* Ҳаммаси тўғри. Лекин биласанми қизим, хато бўлса барибир ўртага чиқади. Агар мендан бирон бир нарсани яширмаётган бўлсанг, бу оғирик тўлғоқликдан эмас.
(Ҳавотир билан келиннинг юзига тикилади.)
- ЁШ АЁЛ - *(ДОЯни ҳавотир билан тикилаётганини англайди.)* Ростини айтаяпман. Қасам ичиб айтаман, тўғрисини айтаяпман. Зотан, бирга бўлишимизга имконият ҳам бўлмаган. Ота-оналаримиз хатто узокдан кўришишга ҳам руҳсат беришмаган. Ёлғиз қолишимизга ҳеч ҳам руҳсат беришмаган.
- ДОЯ - Тўғри, олов билан порохни ёнма-ён сақлаб бўладими, қизим? Яна шундай мутҳиш воқеани била туриб...
- ЁШ АЁЛ - Ўша аёлга ҳам сиз қараган эдингизми?
- ДОЯ - Йўқ азизим... Нима мен шунчалик қари кўринаяпманми? Бу ҳодиса анча олдин бўлиб ўтган экан... Энамнинг ёшлигида. Лекин ўша воқеадан кейин, бошқа бундай иш қайтарилмаган. Иншаллоҳ бундай мутҳиш воқеа бошқа қайтарилмайди.
- ЁШ АЁЛ - Иншаллоҳ.
- ДОЯ - Кўркувинг ўтиб кетдими?
- ЁШ АЁЛ - *(Кўркуви двом этишига қарамай)* Ўтиб кетди.

- ДОЯ - Ўтсин... Барбир қўрқувнинг ажалга фойдаси йўқ... Қани энди бир қўриб, текшириб оламиз... Тамоман ишонч ҳосилқилишимиз учун... Ёт. Ўша ерда... Чўзил, чўзил...
(*ЁШ АЁЛ ёни билан ётади*)
- ДОЯ - Чалқанча ёт...
(*ЁШ АЁЛ бош қисмини томошабинларга қарата ётади*)
- ЁШ АЁЛ - Шундайми?
ДОЯ - Шундай. Оёқларингни қорнига томон торт... Иккаласини ҳам... кўйдагингни кўтар... Ана шундай...
(*ДОЯ, ЁШ АЁЛнинг кўйлагини яна бироз кўтаради*)
- ДОЯ - Оёқларингни кўтар...Кўтар, баландроқ... (*ЁШ АЁЛнинг ич кўйлагини ечади*)Офаринг. Қўрқинчли ҳеч нарса йўқ...(Эгилиб қўли билан қорнини босиб кўради... такрор такрор қўллари билан қорнини силаб кўради.. Туради.) Кийинавер.
(*ЁШ АЁЛ кийинади, аёққа тури қолларини қовуштирганча кутади...*)
- ДОЯ - Биринчи санчиқ қачон бўлди.
ЁШ АЁЛ - (*Ёлғон гапиргани билинади.*) Сизга хабар беришдан олдин...
ДОЯ - (*Жаҳли чиқади*) Зинҳор ёлғон гапирма! Қачон юз берди бу иш? Билишим шарт... Мен билишим керак... Бошқалар билмасин, лекин мен билишим керак! Иншоллоҳ айтганларинг ёлғон бўлиб чиқмас.
- ЁШ АЁЛ - Ёлғон эмас...
ДОЯ - Илк санжиқни айтаяпман...
ЁШ АЁЛ - (*Безовта бўлиб*) Кун ёришмасдан...
ДОЯ - Кейинчи?..
ЁШ АЁЛ - Бироз оғриқ ўтиб. Кейин яна бошланди.
ДОЯ - Кейинчи?..
ЁШ АЁЛ - Бошқа оғирмади...
ДОЯ - (*Бир зум жимлик ҳуқум суради*) Биласанми қизим, онангни жуда яхши танийман... Узоқ йиллар кўшни бўлиб яшадик. Афсус, жуда ҳам ҳафа бўлдим. Бу ходиса ҳақида катталарга айтишим керак. Уларнинг билиши шарт. Чунки одатимиз ва қонунқойдамиз шуни талаб қилади. (*Овозини пасайтиради*) Уларга сўнгги санчиқ ҳақида гапириб бершинг лозим... Тушиндингми?
- ЁШ АЁЛ - Тушиндим.
ДОЯ - Акс ҳолда аилагдагиларни ҳам балога ўртоқ қиласан! Ха, яна шуни ҳам унутма... Тангридан умид узилмайди! Балким, бу оғриқларнинг тўғлоққа аълоқаси йўқдир.
- ЁШ АЁЛ - (*Чорасиз*) Иншоллаҳ! Ота-онам ҳам келишадими?
ДОЯ - Йўқ! Улар келишмайди. Бу одатимизга тўғри келмайди.
ЁШ АЁЛ - Ҳеч бўлмаса, онамларни чақиринглар...
ДОЯ - Мумкин эмас... Тергов мана шу уйда олиб борамиз. Лирикага берилмай. Қатиятлиқ билан тергов олиб борамиз.

(ДОЯ сассиз бошқаларнинг олдига чиқади)

ЭРКАК - Нима бўлди?

ДОЯ - *(АЁЛга)* Қўлимни ювиб олай.

(АЁЛ ўчоқда қайнаётган сувдан идишга олиб, уни совуқ сув билан аралаштириб, ДОЯнинг қўлига қуюди)

АЁЛ - Нима дейсиз?

ДОЯ - *(Қолларини сочиққа артиб)* Жуда ҳоҳлаган эдим, аммо насиб қилмади... Қаҳвангизни ичмайман... Мажбурлангман, тартиб шундай... Бу ҳақда хабар беришим керак... Нима ҳам қилардик? Бутун бало ўтиб кетган бўлсин. *(1-ҚЎРУВЧИга)* Сен шу ерда кутгин.

(ДОЯ аста-секин хонадан чиқади... АЁЛ унинг орқасидан эшикни ёпади. Ҳамма ҳафа... КЕКСА ЭРКАК уҳламоқда... ЁШ ЭРКАК хотинининг ёнига ўтади... ЁШ ЭРКАК билан ЁШ АЁЛ бир бирларини кучоқлашадилар.)

КЕКСА ЭРКАК - *(Уйқудан уйғонади... Атрофига қарайди. Ўша ерда туриб суҳбатини бошлайди.)* Менга қолса акамни ўлими сирли бўлиб қолаверади. Уни бақиршдан тўхтатиб қолиш учун ўлдиришган. Раҳим-шавқатсиз йўқ қилишди! *(Бирдан 1-ҚЎРУВЧИНИ кўриб қолади.)* Сизлар, кўрувчилар! Сизлар! *(Қўлини 1-ҚЎРУВЧИНИ тахдид қилгандай силтайди.)* Сизлар уни ўлдирдинглар!!! Сизлар! Қўларингиз билан бўғиб ўлдирдинглар! Қотиллар! Қотил кўрувчилар!

(КЕКСА АЁЛ эрини овоз чиқармай жимлантиришига ҳаракат қилади)

САҲНА ҚОРАНҒУЛАШАДИ.

III

(Барча бўладиган ишларнинг натижасини кутишмоқда. Устига устак 1-ҚЎРУВЧИ КЕКСА ЭРКАКни ўзига яқинлашишига ошиқайтганини тушунишига ҳаракат қилмоқда... КЕКСА ЭРКАК тинчлантирилган, лекин яна қизишиб ора-ора 1-ҚЎРУВЧИга қарайди. ЭРКАК ҳам бу орада қўшни хона деразасидан қараб безовта бўлади.)

ЭРКАК - Келишяпди!

АЁЛ - *(КЕКСА АЁЛга)* Юра оласизку... Сиз ҳам турақолинг, энди.

Бизни ҳам бир оз ўйланг.

ЭРКАК - Тинч қўй онамни!

КЕКСА ЭРКАК - Бўғиб ўлдиришди акамни!!! Қотиллар!!! Қотил кўрувчилар!

КЕКСА АЁЛ - Булар бошқа кўрувчилар. Ҳаммасини аралашитириб юбордингиз.

КЕКСА ЭРКАК - Аралаштираним йўқ... Биттаси мана шу эди! Сен эдинг, биламан! Ҳоин кўрувчи! Қотил кўрувчи!

1 ҚЎРУВЧИ - *(КЕКСА ЭРКАКга)* Ота биз кимни бўғизлабмиз? Мен ҳеч кимни бўғганим йўқ. *(Бошқаларга)* Нималар деяпди?

ЭРКАК - *(1 ҚЎРУВЧИга наст овозда)* Дадам анча кексайиб қолди. Кўп йиллар олдин бўлиб ўтган воқеа, худди яқинда бўлиб ўтгандай, ўйляпди... Қулоқ солма!

КЕКСА ЭРКАК - *(Жонланиб)* Қотил кўрувчи! Қотил кўрувчи! Қотил кўрувчи!
1 ҚЎРУВЧИ - Балога қолдик!

КЕКСА ЭРКАК - Қотил кўрувчи! Қотил кўрувчи!

I. KOLCU - Çattık!

1 ҚЎРУВЧИ - Бундай давом этиши мумкин эмас!

ЭРКАК - *(“Менҳал қиламан” дегандай 1 ҚЎРУВЧИга қараб қўяди. Отаси томонга ўгирилади)* Бўлди қилинг, ота. Гапирманг. *(Бошқаларга)* Келишди.

(КЕКСА ЭРКАК хафа бўлиб жим бўлади. КЕКСА АЁЛ билан бирга барча эшик томон йўналади. ЭРКАК эшикни очади.)

ЭРКАК - Марҳамат...

АЁЛ - Ҳуш келдингиз...

КЕКСА АЁЛ - Яхшиликка бўлсин.

(Тергов гуруҳи аъзолари. РАИС, АЁЛ АЪЗО, ЭРКАК АЪЗО, ДОЯ, орқаларидан 2 ҚЎРУВЧИ ичкарига киришади)

РАИС - Ҳуш кўрдик!

БОШҚАЛАР - *(Ҳурмат билан)* Ҳуш кўрдик... Ҳуш кўрдик...

- Марҳамат, юқорига ўтинглар.

КЕКСА ЭРКАК - *(Ҳотинига 2 ҚЎРУВЧИни кўрсатиб, бошқалар эшитилмас ҳолда)* Мана иккинчи қотил ҳам келди.

(КЕКСА АЁЛ, ЭРИГА эркакнинг жаҳли чиқаётганини ишора этади.)

АЁЛ - Қаерга ўтирсиз?

РАИС - *(Хонани кўздан кечиради)* Мана шу баландроқ жойга ўтирсак бўлади... Мана шунда хаммаси тўғри бўлади.

ЭРКАК - *(Қўли билан кўрсатади)* Мана шу ер бўладими?

(РАИС ёнидаги гуруҳ аъзоларини кўздан ўтказилади... Аъзолар РАИСга қараб, ишга тайёр эканликларини ишора қилишади.)

РАИС - Жуда яхши...

(РАИС гуруҳ аъзолари ўтиришади. 1 ҚЎРУВЧИ ва 2 ҚЎРУВЧИ эшик олдида туришибди. КЕКСА ЭРКАК тергов гуруҳи аъзолари ва кўрувчиларни диққат билан кузатади.)

РАИС - Стол олиб келинглар.

(ЭРКАК ва АЁЛ столни олиб келиб раиснинг олдида қўйишади)

ЭРКАК - Бирор нарса керакми?

РАИС - Гаплашаётганимизда оғзимиз куриб қолиши мумкин. Шунинг учун бироз сув келтирсангиз бизга. Етарли даражада бардоқларни ҳам олиб келинг.

(АЁЛ сув тўла идиш билан бирга бардоқларни столни устига қўяди.)

РАИС - Раҳмат қизим...Келин қаерда?

АЁЛ - Келсинми?

ВАЎҚАН - Sağ ol hanım kızım... Gelin nerede?

КАДИН - Gelsin mi? *(Ўғлига)* Мен ўзим чақириб келаман.

(АЁЛ ичкарига юради. ЁШ АЁЛнинг меҳмонхонага келишини ишорат қилади.)

РАИС - Келин келмаса бирор бир масалага ойдинлик кирита олмаймиз.*(КЕКСА АЁЛга)* Шундайми?

КЕКСА АЁЛ - Шундай!

РАИС - Хаммангиз ўтиришингиз мумкин... Бу йиғилишимизнинг сабабчиси, бу ерга келиб ҳаммамизнинг олдимизда пайдо бўлган саволларга очиқ-ойдин жавоб бериши лозим... Тушунарлими?

ҲАММА - Тушунарли!

РАИС - *(Қолган кенгаш аъзоларига)* Бошлаймизми?

(Бошқа аъзолар бошларини эгиб розилик аъломатини кўрсатишади)

КЕКСА ЭРКАК - *(Хотинига овозини пасайтириб)* Ниҳоят кўрувчиларни жазолашади!

(КЕКСА АЁЛ эрига ишора қилиб, жим бўлишини сўрайди. Понтамимачи сингари кўл ҳаракатлари билан эрига бўлаётган жараёнларни англантишга ҳаракат қилади.)

КЕКСА ЭРКАК - Хомила аёлни нега қийнашади. Қотиллар!

КЕКСА АЁЛ - Жим!

РАИС - Бу ерга келишдан олдин, маҳсус ховуздаги сув ҳажмини ўлчаб келдик... Маълумки, бу ховуздаги сув ҳажми қорларнинг эришига қараб тўлади ва шундан кейин таҳлика битади... Хозир сув тўлишига, таҳлика ўтиб кетишига яна икки бармоқ бўш жой қолибди. *(Кўли билан кўрсатади)* Бу деган бугун кечга яқин ёки энг кечи эртага бу бшлиқ сув билан тўлади ва қор кўчкиси таҳликаси ортда қолади... Ундан кейин, қиш бошланиш арафасида кетиб қолгаоилалар, болалар, турли озиқ-овқатлар, ун, гўшт, туз-шакарлар ва бошқа нарсалар билан қайтиб келишади ва уч ойга яқин, яъни қор ёғгунга қадар шу ерда бизлар билан бирга яшашади. Бошқа ерлардаги сингари тўйлар, чақалоқларнинг туғилишлари, турли хил байрамлар қутланади... Биринчи қор ёғиши билан хомилалар ва бошқа келганлар қайтиб кетишади. иринчи қор ёғиши билан хомилалар ва бошқа келганлар қайтиб кетишади. Шундай қилиб кейинги қор эригунча бир бирларини кўришмайди. Шундай ҳар йили такрорланаверади... Бизлар эртанги куни нишонлаш учун маслаҳат қилиб турган жойда, доя келиб кутилмаган ноҳуш хабарни етказди.

(ЭРКАК АЪЗО йўталгиси келгани билдиради... Ҳамма ҳавотир олади... Бундай ҳолларда бўлгани сингари, АЁЛ АЪЗО унга овозини ёпиш учун ёстиқ беради. ЭРКАК АЪЗО ёстиқ билан юзини ёпиб яхшилаб юталиб олади, томогини қириб, ўзига келади... Кейин ёстиқни АЁЛ АЪЗО аъзога қайтаради.)

РАИС - Афсусланиб шуни билдиришга мажбурманки, сўнги эллик йил ичида бўлмаган бир мудҳиш воқеага гуоҳ бўлмоқдамиз... Яъни, кутилгандан олдин тўғлоқ гувоҳи бўлмоқдамиз... Бу воқеадан бошқалар сингари мен ҳам жуда ранжидим... Қўлимиздан ҳеч нарса келмайди... Қабул қилинган қоидаларга бўйсунамиз! Чунки бу ходиса барчанинг умрига зиён келтиради.

(ЭРКАК АЪЗО яна йўталгиси келгани билдиради...Энди унинг юзига бир неча ёстиқни босишади... ЭРКАК АЪЗО бу ҳаракатдан нафассиз қолиб, халок бўлади... Бу майитни юқорироқ ерга жойлашади ва ҳамма унга эътиборли бўлиб, хурмат қилиб ёнидан ўтишади)

- РАИС - Энди, вақт йўқотмасдан, зиммамизгу тушган ишни оҳирига етказайлик... *(ДОЯга)* Сена қачон хабар беришди?
- ДОЯ - *(Ўрнидан туриб)* Яқинда...
- РАИС - Ахвол қандай?
- ДОЯ - Ҳамон келиб келини хар томонлама кўриб чиқдим... Кейин сизга хабар бердим. Қайғу ва ҳавотир билан айтаманки, келин туғади...
- РАИС - Ишончинг комилми?
- ДОЯ - Қатиян, ишончим комил.
- РАИС - Балким янгидан ташхис ўтказарсан...
- ДОЯ - Кераги йўк... Чунки барча белгилар тўғлоқ яқинлигини кўрсатаяпти...
- РАИС - Ўтиришин мумкин. Сизлар! *(ЁШ ЭРКАК ва ЁШ АЁЛ ўрниларидан туришади.)* Бизнинг қонун-қоидалар бўйича туғиш факт бир ой кейин мумкин эди, лекин... Сизлар бу талабларни бузиб, бир ой олдин яқинлашибсизлар. Бу билан бу ерда яшаётганларни таҳлика остида қолдирибсизлар. Сизлар ўз айбларингизни биласизларми?
- ЁШ АЁЛ - Биламиз...
- ЁШ ЭРКАК - Биламиз...
- ЁШ АЁЛ - Лекин, бу бизнинг айбимиз эмас.
- РАИС - Бу нима дегани?
- ЁШ ЭРКАК - Хисобни катталар қилишган... Мана шу кундан руҳсат дейишди... Бизга руҳсат берилган кун чимилдиққа кирдик... Унгача менга хотинимни фақат узоқтан кўрсатишди,холос... Хеч бир вақт ёнма-ён ҳам турмадик...
- ЭРКАК - Хурматли Раис, руҳсат беринг мен гапирмоқчиман...
- РАИС - Қисқароқ қилиб гапирилар...
- ЭРКАК - Ўғлим тўғри гапираяпти... Уларни, белгиланган кунга қадар бирга бўлишларига қаршилиқ қилдик.
- АЁЛ - Хатто кўллари ҳам бир бирларига тегмади...
- РАИС - Руҳсатсиз гапириш мумкин эмас... Тушунарлими?!
- АЁЛ - Тушунарли, Раис бей...
- РАИС - Айтайлик, сизлар идоа қилганларингдай ҳаммаси ўз вақтида қилинди... Унда бундай ахволга қандоқ қилиб етиб келдик.
- ЁШ ЭРКАК - Бу эрта туғилиш.
- ДОЯ - *(Ўрнидан туриб.)* Тўғри Раис бей... Бу эрта туғулишдир...
- ЁШ ЭРКАК - Яъни биз айибдор эмасмиз...

(Жимлик.)

- РАИС - Хох ундай, ҳоҳ бундай, нима фарқи бор? Биз бу ерда туғиш эртамиди, кечмиди, бу ҳақда баҳс юритаётганимиз йўқ. Биз учун натижа муҳим... Шу онда хотининг туғиш ҳолига келибди ва таҳлика хали ҳам бор... Демак ҳозир бу ерда қилиниш шарт бўлган ишни, қилишимиз керак... *(Овоз чиқармай, кенашининг бошқа аъзоларидан розилик олади.)* Бу ёш аёл вақт ўтмасдан тобутга қўйилади ва кейин тупроққа кўмилади! Бу қарордан биз ҳам жуда афсусдамиз, лекин наилож...
- ЁШ ЭРКАК - Раис бей!..
- РАИС - Бўладиган иш бўлибдт, энди тортишмадан фойда йўқ... Чунки бу ёш аёл хар дамда тўғиши мумкин... Бунинг оқибати барчамизга фожия бўлиши маълум... Агар дояни бу қарорга қарши эътирози бўлса, тортишмани давом эттиришимиз мумкин... *(ДОЯга)* Чунки бу ҳолатда эътироз этиш ва қайтадан текширишни фақат сиз ҳал қиласиз... Бу масалада, бирон бир фикрингиз борми?
- ДОЯ - Йўқ, Раис бей...
- РАИС - Бўладиган иш бўлибди, энди тортишмадан фойда йўқ...
- ДОЯ - Тегишли жараённи бошланглар!
- КЕКСА ЭРКАК - Булар қўрувчиларни тергов қилишмаяпди!
(ЭРКАК ва КЕКСА АЁЛ, КЕКСА ЭРКАК га жим бўлишни ишора қилишади.)
- ЁШ ЭРКАК - Хотинимни айбсиз айбдор қилаяпсизлар. Но ҳақ жазо бераяпсизлар... Биз барчасини тўғри қилдик, айтилган пайтга тўй бўлди, айтилган пайт чимилдиққа кирдик.
- РАИС - *(Жаҳли чиқади)* Бу гапларни гаприб бўлдик, болам... Бимзни қароримизга қарши чиқиш мумкин эмас. Қабул қилинган қонун-қоидаларга биноан Кенгаш чиқарган қарорга барча бирдек бўйсунини шарт! *(Яна жаҳли чиқади.)* Сен нима демокчи бўлаяпсан?! Сенга қарасак, шунча инсонни ўлимга маҳкум қилмоқчисан, шундаймси?!
- ЁШ ЭРКАК - *(Ҳаяжонланади)* Шунча инсон ўлмасин! Мени хотиним ҳам ўлмасин!
- РАИС - Мени сени тушунаяпман, йигит! Бизлар ҳам ўз вақтида ёш бўлганмиз... Лекин бошқаларни нобуд қилишга ҳақимиз йўқ...
- ЁШ ЭРКАК - *(Сал бўлмаса йиглаб юборишга қодир)* Туғуш дегани бирдан бўлмайди-ку. Яна бироз кутайлик, сизлардан ўтиниб сўрайман...
- РАИС - Буни биздан сўрама, мумкин эмас... Бир бутун қишлоқ аҳлини таҳилкага ташлай олмайман... Сен танлашининг керак ё хотининг ёки бутун қишлоқ аҳли... Бунинг бошқа иложи йўқ... Агшар бошқа йўли бўлса эди, биз уни қўллардик... *(Қарорли)* Энди чўзмасдан айбдорни қатл

қилишимиз керак... Яъни қабул қилинган қоидага биноан барча жараёнларни амалага оширишимиз даркор. *(Яна ҳам жаҳли чиқиб)* Агар ҳозирди ўзида бирдан хотининг туғушни бошласак, унинг ха қиригадан тоғдаги қорлар кўчиб тушса, нима бўлади. Агар сен шундай қайсарлик қилаверсанг, сени ҳам айбдор билиб, хотининга кўшиб қатл қиламиз. Овозингни ўчир!

ЁШ ЭРКАК - Раисим.

РАИС - Огоҳлантираяпман! Унутма! Сўз кумуш бўлса, сукунат олтиндир! Юз йилларча шу тушунча билан яшаб келмоқдамиз. *(Кўриқчиларга қатл жараёнини бошлашни ишора қилади)*

КЕКСА ЭРКАК - Булар кўрувчиларни тергов қилишмаяпди! Қотилларни эмас, айбдорларни қатл қилишмаяпди!

РАИС - Бу қария нима деб валдираяпди!?!?

КЕКСА ЭРКАК - Акамни бўғиб ўлдирганларни тергов қилинглари!

РАИС - Нималар деяпсан?

КЕКСА ЭРКАК- Қотилларни тергов қилинглари! Улардан кўрқасан-да, чунки улар сени ҳам бўғиб ўлдиришлари мумкинда.

РАИС - Буни ҳам оғзини боғланглари!

(1-Кўриқчи ёнида олиб келган каттакон бир бўз латта билан эркакнинг оғзини боғлаш билан овора бўлади)

РАИС - Тезроқ бўлинглар!

КЕКСА ЭРКАК- *(Оғзини боғлашларига қарши чиқади...)* Энди акамни аҳволини жуда ҳам яхши тушунаяпман!

РАИС - *(2- кўрувчига)* Наригисини ҳам тайёрланглари! езроқ бўлинглар!

2- ҚЎРУВЧИ - Амрингиз бажо келтирилади!

(2-Кўриқчи келиннинг оғзини бўз латта билан боғлашга киришади.)

РАИС - Мени шоширитириб кўйдинг, йигит. Майли дардинг катта деб, сен айф эттим...

2- ҚЎРУВЧИ - *(ЁШ АЁЛнинг оғзини ва қўлларни орқадан боғлаб бўлади)* Тамом Бошлиқ!

РАИС - *(Кўли билан уни келиннинг кўзларини ҳам боғдашга ишор қилади.)* Ишингни чала қилма.

(2-Кўриқчи келиннинг кўзларини ҳам боғлайди. Келин кўрқанидан титрай бошлайди...)

РАИС - Тамом. *(Қолганларга)* Хеч кимса бу ердан ажралмасин! Иш тугугунча барчамиз шу ерда, уй ичида қолишимиз керак. *(1-ҚЎРУВЧИга)* Сен бу ишни шу ерда қолиб, оҳигиача олиб борасан. *(Бошқа аъзоларга)* Қани турунглари. Гувоҳлигимизни бажарайлик.

(РАИС ва бошқа аъзолар ўз ўтирган ўринларидан туришади. 2-ҚЎРУВЧИ ЁШ АЁЛни. Олиб кетишга ҳаракат қиларкан, қийналади. Чунки келин юриши

учун тўсқинлик қилади. Хатто инграб, кетишни ҳоҳламаётганини кўрсатади. 2-ҚЎРУВЧИ РАИСнинг ишораси билан ЁШ АЁЛни судраб таиқарига олиб чиқишга ҳаракат қилади. Уларнинг орқаларидан РАИС ва Кенгаи аъзолари юриб боришади... Боиқалар сассиз кутишар экан ЁШ ЭРКАК уларга билдирмай, милтиқга ўқларни жойлаштиради.)

ЁШ ЭРКАК - (Милтиқни осмонга қаратиб) Тўхтангалар!!! (Бирдан ҳамма қотиб қолади.)

РАИС - Нима қилмоқчисан, болам?

ЁШ ЭРКАК - Тўхтангалар, дедим!!!

АЁЛ АЪЗО - Бу нима дегани? Бу нима қилмоқчи?!

ЁШ ЭРКАК - Мени милтиқни отишга мажбур қилманглар!!!

РАИС - Бу мкмкин эмас!

АЁЛ АЪЗО - Милтиқ отилса, нима бўлишини биласанми? Аллоҳим ўзинг асра!

РАИС - Амма... Лекин ҳаммамиз ўламиз!

ЁШ ЭРКАК - Тўғри... Ҳаммамиз ўламиз! Ё хотиним яшайди, ёки ҳаммамиз бирликда халок бўламиз!

(Жимлик.)

ЭРКАК - Пастга тушир ўша қуролни...

АЁЛ - Бизни ҳам ўлдирмоқчимисан?

ЭРКАК - Ахир ҳаммамиз бирлик ўлиб кетамиз-ку!

ЁШ ЭРКАК - Дада, сизлар мени ишимга аралашманглар.

ЭРКАК - Қандоқ қилиб сени ишинга аралашмаймиз? Ўзинга кел, ўғлим...

ЁШ ЭРКАК - Хотиним ўлиб кетақверсинми? Хотиним ва тулажак боламнинг ҳаётда қолишлари учун кўлимдан келган барча ишни амалга оширишим керак.

ЭРКАК - Қўлингдан нима ҳам келарди?

КЕКСА АЁЛ - Ҳаммамиз биргаликда ўламиз!

АЁЛ - Хали ёшсан... Сенга бошқа хотин топилади... Бошқа аёллар ҳам сенга бола туғиб бера олади...

КЕКСА АЁЛ - Ота-онангни қотили бўласан!

КЕКСА ЭРКАК - Мен неварам билан ғуруланаяпман!

ЁШ ЭРКАК - Мени тушунмаяпсизлар..! (РАИСга) Хеч ким қимирламасин! Ҳамма жойида қолсин! Жойларингизга ўтинглар! (РАИС ва аъзолар ўз ўринларига ўтишади. 2-ҚЎРУВЧИ келини ўз ўрнига олиб келади. Эрининг ишораси билан қўлларини, кўзлаини ва оғзини ечади, бўшатади. Жимлик.)

РАИС - Оғзим қуриб қолаяпди... Сув ичиб олсам бўладими?

ЁШ ЭРКАК - Бўлади.

(РАИС сув ичиб олади. Бошқа аъзолар ҳам сув ичишади.)

РАИС - Энди нима бўлади?

АЁЛ АЪЗО - Нимани кутаяпмиз?!

ЁШ ЭРКАК - *(1-ҚЎРУВЧИга)* Сен! Дада сиз ҳам... Бориб сув хавзасига қаранглар! Сўнг аҳволни билалик! Бўлақолинглар!
(1-ҚЎРУВЧИ ва ЭРКАК ташиқарига чиқишади.)

КЕКСА ЭРКАК- Қўрувчиларни ҳам тергов қилайлик!

(КЕКСА АЁЛ эрининг жимлантиради. Ҳамма нима бўлишини кутмоқда... РАИС ва кенгаш аъзолари ҳам катта хайрат билан жараённинг давомини кутишмоқда. Бироз вақт ўтгандан кейин ЭРКАК ва 1-ҚЎРУВЧИ кириб келишади)

ЭРКАК - Бир бармоқ бўш жой қолибди!

1-ҚЎРУВЧИ - Тўғри, бирбармоқ!

ЁШ ЭРКАК - Зотан, ҳозирча санчиқ қайта бошлангани йўқ... Балким Доя адашгандир! Бу санчиқ туғуш аломати эмасдир... Лекин сабирсизликдан мени хотиним ўлиб кетиши мумкин эди... Мана ўзларингиз кўринглар, ҳеч қандай санчиқ йўқ!

РАИС - Нималар деяпсан, болам? Доя ҳеч ҳам ёлғон гапирмайди. МАЙли бизни қўя тур... Ота-онанглар ҳам ўлиб кетишадик-ку?! Ҳамма ўлиб, қор тагида қолиб Уларга раҳмин келмайдими?!

(ЭРКАК ишонч билан ЁШ ЭРКАКнинг ёнига келади. Милтиқни пастга туширишини талаб қилади. Қуролни қзлига олади. Шу пайт КЕКСА ЭРКАК нариги милтиқни қўлига олиб, ЭРКАКга тўғилайди ва уни четга чиқишини мажбурлайди. ЁШ ЭРКАК милтиқни дадасининг қўлида олади. Бирдан ЁШ АЁЛ оғриқдан букула бошлайди)

РАИС - Ё танрим!

ДОЯ - Бу аёл ҳозир туғишни бошлайди!

ЁШ ЭРКАК - *(1-ҚЎРУВЧИга)* Оғзини боғла!

(1-ҚЎРУВЧИ келиннинг оғзини яна боғлаб қўяди)

ЁШ ЭРКАК - Ичкарига олиб киринглар...ғзини боғла!

(1-ҚЎРУВЧИ келинни ичкартига олиб киракае КЕКСА ЭРКАК қўлари билан қарсақ чалиб хурсанд бўлади.)

ЁШ ЭРКАК - *(ДОЯга)* Ичкарига ўтинг... Она сиз ҳам ёрдам беринг...

ДОЯ - *(АЁЛга)* Бир оғора билан иссиқ сув келтиринглар... Тезроқ...

ЁШ ЭРКАК - Тезроқ она!

РАИС - *(Даҳшат ичида)* Чақалокнинг бақириси нима бўлади?

АЁЛ АЪЗО - *(Даҳшага тушиб)* Бақиради!

РАИС - Ҳаммамиз ўламиз!

АЁЛ АЪЗО - Ўламиз! Халок бўламиз!

КЕКСА ЭРКАК- Зотан мени вақти соатим келиб қолган... Менга фарқи йўқ. Мен энди акамни ҳолини яхши тушунаяпман... Ўлишдан олдин мен ҳам эркин бўлиб, бақирисни ҳаҳлаяпман... Хайқирмоқ ҳоҳлаяпман! Ҳозироқ!

КЕКСА АЁЛ - Йўқ! Мумкин эмас!

ЭРКАК - Мен сизни ўғлингизман, ота.

АЁЛ - Ҳаммаси тугади шекили!

ЭРКАК - Мени ўлишимга сабабчи бўлсасизми? *(Қўли билан отасининг оғзини ёпишга хааркат қилади)*

АЁЛ - (Ўзига қараб) Сени мен катта қилдим... Мени ўлимимга сабабчи бўласан деб, катта қилдимми сени? Оқ сутимни ва меҳнатимни сенга ҳалол қилмайман!

ЁШ ЭРКАК - Жим бўлинглар!

(ДОЯ 1 - ҚЎРУВЧИга ташқарига чиқишини ишора қилади. 1 – ҚЎРУВЧИ бошқаларнинг ёнига келиб туради. 2 – ҚЎРУВЧИ, ЁШ ЭРКАКга билдирмасдан яқинлашади. Энди унинг қўлга ҳамла қилмоқчи эди, ЁШ ЭРКАК уни сезиб қолиб, милтиқнинг дастаси билан уни уриб ерга ётқизади.)

ЁШ ЭРКАК - Эҳтиёт бўлинглар! Яна бундай ишни қилмоқчи бўлсангиз, ёмон бўлади!

РАИС - (1-ҚЎРУВЧИга) Тентак!

ЁШ ЭРКАК - Тушунарлими?

2-ҚЎРУВЧИ - Тушунарли.

(Ичкарида, келинни туғишига ёрдам бериши учун ётқизишган. ДОЯ АЁЛга нима қилиш кераклигини тушунтирмоқда...)

АЁЛ АЪЗО - (Қўрқиб) Аммо... Чақалоқнинг оғзини ҳамиша ёпиқ тутиш керак бўлади... Чунки у тинмай бақиради...

РАИС - Сув хавзани тўлдиргунча чақалоқнинг оғзини ёпиб туриш керак бўлади.

(Келининг инграшлари ортади... Инграшлар ичидан чиқади... Келиннинг инграши бирлан тўхтаб қолади... ДОЯ чақалоқнинг оғзини ёпиб юқорига кўтаради... Чақалоқ ДОЯнинг кўлидан тоғарага тушиб кетади... Жуда кучли бақирини эшитилади... Бу қўлоқни қар қилишига қодир чинқиришлар эшитиларкан, ДОЯ чақалоқни яна кўлига олади... Жимлик пайдо бўлади... Ҳамма қор кўчишининг кўрқинчли овозини диққат билан кутишади... Баъзи бирлар эса кўлларини очиб дуо қилишига киришадилар. Қор кўчкисидан эса ҳамон хабар йўқ...)

РАИС - Қор кўчки тушмади!

АЁЛ АЪЗО - Энди тушмаса керак.

РАИС - Иншаллоҳ!

ЁШ ЭРКАК - Жим бўлинглар!

(Жимлик давом этади...)

(КЕКСА ЭРКАК Хотининг қаришилига қарамай, ЁШ ЭРКАКнинг кўлидаги милтиқни тортиб олиб, ташқарига отилиб чиқади... Ваҳимали бир отиш қилади... Милтиқдан даҳшатли овоз чиқади... Ҳамма бироздан сўнг хурсанд бўлиб бақира бошлайди... Ташқаридамилтиқ овозлари билан бирга доул – сурнай овоздалари янграйди...)

ПАРДА

4 август, 2001 йил. САригерме- Ўртажа